

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЖИЕВА ФЕРУЗА МЭЛСОВНА**

**АМЕРИКА ПОСТМОДЕРН АДАБИЁТИДА БИОГРАФИК РОМАН**  
**ПОЭТИКАСИ (Ж.ПАРИНИ, М.КАННИНГҲЕМ ВА Л.ЛАЛАМИ**  
**АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук (DSc)**

**Contents of the dissertation for a Doctor of Science degree (DSc)**

**Хажиева Феруза Мэлсовна**

Америка постмодерн адабиётида биографик роман поэтикаси (Ж.Парини, М.Каннингхем ва Л.Лалами асарлари мисолида) ..... 3

**Хажиева Феруза Мэлсовна**

Поэтика биографического романа в американской постмодернистской литературе (на примере произведений Ж.Парини, М.Каннингема и Л.Лалами) ..... 33

**Khajieva Feruza Melsovna**

Poetics of the Biographical Novel in American Postmodern Literature (In the example of J.Parini, M.Cunningham and L.Lalami's works) ..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 66

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЖИЕВА ФЕРУЗА МЭЛСОВНА**

**АМЕРИКА ПОСТМОДЕРН АДАБИЁТИДА БИОГРАФИК  
РОМАН ПОЭТИКАСИ (Ж.ПАРИНИ, М.КАННИНГҲЕМ ВА  
Л.ЛАЛАМИ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Fil.80 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бақаева Муҳаббат Каюмовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Қаршибаева Улжан Давировна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Жумабаева Жамила Шариповна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Майкл Лэки (Америка Қўшма Штатлари)**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**


**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “19” сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (163 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2022 йил “19” август кунини тарқатилди.

(2022 йил “19” август даги 22-10 -рақамли реестр баённомаси).



**Д.С.Ўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**З.И.Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.н., доцент

**М.М.Жўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.(DSc), профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиёти тарихида XX асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунга қадар бўлган вақт оралиғида постмодернизм оқимининг генезиси ва тараққиёти босқичлари масалаларига эътибор кучайди. Мазкур даврда америка ва европа адабиётида поэтик тафаккур миқёслари ўзгариб, оламни бадий идрок этиш ва тасвирлашнинг классицизм, романтизм ва реализмдан фарқ қиладиган тамойилларининг майдонга келиши адабий жараёнда сўз санъатини нафақат янги ғоя, мавзу, услуб, тенденциялар билан бойитишни, балки тур ва жанрларнинг ўзаро трансформацияси ва синтезлашувини тақозо қила бошлади. Шу маънода адабиётшуносликда постмодерн биографик роман жанри поэтикасини ўрганиш, унинг табиатини умумадабий контекстда таҳлил қилиш постмодерн биографик романини комплекс тушунишга, унинг транс/интертекстуал моҳиятини илмий баҳолашга, матннинг вербал сатҳи образли воситаларини, матн архитектуроникасини структур талқин қилишга имконият яратади.

Дунё адабиётшунослигида биографик асарларнинг ғоявий, структур, услубий, символик хусусиятлари, уларнинг соф бадий асарлардан фарқли томонлари, биографик роман концепцияси масалалари постмодернизм қонуниятларига ҳамоҳанг тарзда кенг кўламли тадқиқотларда ўз ечимини топган. Америка адабиётида биографик романларнинг киновийлик ва истехзоли услубини декодлаш, бадий тилдаги риторик воситаларни аниқлаш, улардаги контекстуал импликацияни ёритиш ва ижодкорга хос идиостиль ва идиолектни белгилаш каби устувор йўналишлар ушбу соҳанинг калейдоскопик, космополитик, эклектик, транстекстуал, вентрилоквистик, полифоник жиҳатларини асослашга, жанр тараққиёти босқичларини теран талқин қилишга ва турли диний эътиқодлар уйғунлигини, маданий кодларни матнга сингдириш техникасини илмий баҳолашга хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги глобал ислоҳотлар даврида жамият маънавияти ва баркамоллигининг негизи саналган адабиётга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда ва жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек миллий контекстида чуқур англаш, уларнинг моҳиятини плюралистик дунёқараш орқали талқин этиб, маданиятимизни юксалтириш долзарблик касб этмоқда. “Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш...”<sup>1</sup> каби устувор мақсад замонавий адабиётшуносликда тарихий шахслар ҳаётига бағишланган биографик асарларни ўрганишга, уларнинг ўзига хос жанрий хусусиятларини, поэтикасини, асарларнинг оммалашшига сабаб бўлган омилларни жаҳон адабиёти контекстида инсон омили нуқтасидан тадқиқ этишга, шарқ ва ғарб олами манзарасини илм-фан доирасида теран англашга кенг йўл очиб беради.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 августдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>2</sup> Америка адабиётида постмодернизм оқими ва биографик роман жанри хусусиятлари ва поэтикаси масаласини ўрганиш бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида назарий ва амалий жиҳатдан олиб борилаётган тадқиқотларда муҳим илмий натижалар қўлга киритилган, шу жумладан: америка биографик романи генезиси ва тарикқиёти, биографик романда “тўқима ҳақиқат” (“fictional truth”), биографик романда сюрреализм, тарихий ҳақиқат тасвири, биографик романда дуал-дунёвий (dual-temporal) ҳақиқат (Миннесота университети (Моррис), АҚШ), постмодернизм поэтикаси, постмодернизмда тарихийлик, метапроза, интертекстуаллик, пародиянинг акс этиши (Торонто университети, Канада), постмодерн биографик романда факт ва тўқима муаммоси (София университети, Болгария), биографик романда субъективлик ва интертекстуаллик (Лидз университети, Англия), биографик романда пастиш ва пародия (Белград университети, Сербия), биографик романнинг биофикция, тарихий метапроза, биографик метапроза кўринишлари (Лондон Қироллик коллежи, Англия) поэтика ва стилистиканинг замонавий тенденциялари (Утрехт университети, Нидерландия), пост-колониал тарихий-биографик романларда адаптация

---

<sup>2</sup> Шарҳ университетларнинг веб-сайтларидаги маълумотлар асосида тақдим этилди: <https://morris.umn.edu/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.uni-sofia.bg/>, <https://www.leeds.ac.uk/>, <https://www.bg.ac.rs/en/>, <https://www.kcl.ac.uk/>, <https://www.uu.nl/en>, <http://ju.edu.jo/home.aspx>, <https://iso.uni.lodz.pl/>, <https://www.olivet.edu/>

ходисаси ва унинг Л.Лалами ижодида акс этиши (Иордания университети, Иордания), Л.Лалами асарида қаҳрамон лексикаси (Лодз университети, Польша) М.Каннингҳем асарларида постмодернизм (Оливет Назарен университети, Чикаго, АҚШ), америка ва ўзбек адабиётида биографик роман жанри хусусиятлари (Бухоро давлат университети, Ўзбекистон) каби муаммолар ўз ечимини топган.

Дунё адабиётшунослигида америка постмодерн адабиётини яхлит тизимли ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: адабиётда эклектизм ва космополитизм ғоялари, постмодерн адабиётда эксцентризм ва символизм, метапроза ва унинг кўринишлари, полифонизм ва уни яратиш техникаси, интертекстуал стилистик воситалар, биографик роман жанри поэтикаси.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида замонавий америка адабиётда вужудга келган оқимлар, модернизм ҳамда постмодернизм муаммосига бағишланган бир қанча тадқиқотлар мавжуд<sup>3</sup>. Бу ишларда янги давр ёзувчилари, уларнинг ўзига хос услуби, постколониалистик ва плюралистик мавзулар, инсон эркинлиги, тенглик каби ғоялар ёритиб берилган.

Бадиий биография тараққиёти, унинг кўринишлари, ўзига хос жиҳатлари масаласи ҳам илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган<sup>4</sup>. Биографик роман генезиси, унинг ўзига хос жиҳатлари, яратилиш қонуниятлари, уларда тарихийлик ва бадиийликнинг ўзаро боғланиш шартларига оид баён қилинган фикр-мулоҳазалар соҳага оид назарий қарашлар асосини ташкил қилади.

Хориж адабиётшунослигида Л.Ҳатчеон, М.Данова, Б.Лейн, М.Кнезевич, М.Сондерс, М.Лэки каби олим ва адибларнинг ишларида айнан постмодерн биографик асар хусусиятлари тўғрисидаги плюралистик назарий қарашлар баён қилинган. Бу олимларнинг ишларида биографик роман генезиси, тарихи, эволюцияси, адабий жанр сифатида шаклланиши, уларда метапроза, интертекст, пародия каби транстекстуал бирликлар ёритилган, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима синтези, постколониал биографик романларда янги тафаккур ва дунёқараш каби масалалар таҳлили келтирилган<sup>5</sup>.

<sup>3</sup> Geyh, Paula; G. Leebron, Fred; Levy, Andrew. Postmodern American Fiction. Norton Anthology. – New York, London: W.W. Norton & Company, 1998. – 672 p., Bertens H., D’haen T. American Literature. A History. – London, New York: Routledge, 2014. – 314 p., Dimock, Wai Chee and others. American Literature in the World. – New York: Columbia University Press, 2017. – 490 p. Jencks, Charles What is Postmodernism? – Academy editions, 1996. – 80 p., Засурский Я.Н. Американская литература XX века. – Москва: Издательство московского университета, 1984. – 503 с.

<sup>4</sup> Woolf V. The Art of Biography. // Biography as an Art. edited by James Clifford. – New York, 1962. – P.128-132.; Maurois A. The Ethics of Biography. // Biography as an Art. edited by J.L.Clifford. – New York: Oxford University Press, 1962. – P.172-173.; Clifford J.L. Biography as an Art. – New York: Oxford University Press, 1962. – 256 p.; Aaron D. Studies in Biography. – Cambridge: Harvard University Press, 1978. – P.200; Kendall P.H. The art of biography. – New York: W.W.Norton and Company, 1985. – 158 p.; Rollyson Carl. Biography: A user’s Guide. – Chicago: Ivan R.Dee, 2008.– 322 p.; Roorbach Bill. Writing Life Stories. – Ohio: Writer’s digest books, 2008. – 296 p.; Стоун И. Биографик кисса ҳақида. // Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Тошкент: Маънавият, 2010.–Б.383; Lackey M. Truthful conversations with American biographical novelists. – New York: Bloomsbury, 2014. – 264 p.; Lackey M. The American Biographical Novel. – New York: Bloomsbury, 2016. – 277p.

<sup>5</sup> Hutcheon, Linda. A Poetics of Postmodernism. History, Theory, Fiction. – New York, London: Routledge, 2004. – 283 p.; Danova, Madeleine. The Jamesiad. Between Fact and Fiction: the Postmodern Lives of Henry James. //

Рус адабиётшунослигида Т.Е.Комаровская, Г.Е.Померанцева, О.Л.Гиль, Е.В.Ушакова, Г.В.Казанцева, А.В.Шубина, А.А.Холиков каби олимларнинг ишларида биографик асар хусусиятлари тўғрисидаги қарашлар баён қилинган. Турли давр ва давлатларда ижод этган биографлар ижоди ва бадий биографиялар таҳлили ўрин олган<sup>6</sup>.

Тадқиқотимиз предмети сифатида танланган поэтика масаласи қадимдан ўрганилиб келинаётган бўлса-да, бугунги кунда муаммога оид янгича қарашларни қатор олимлар<sup>7</sup>нинг ишларида кузатиш мумкин. Бу ишларда адабиётга оид анъанавий қарашлар билан бир қаторда риторика ва стилистиканинг поэтикага алоқадорлиги, бадий матнда диалогизм ва полифоник тафаккур, поэтик воситаларни лингвомаданий аспектда ўрганиш,

---

Годишник на софийския университет “Св. Климент Охридски” факултет по класически и нови филологии. Том 104; Sofia – 2011. – P. 5-49; Layne, Bethany (Post) Modernist Biofictions: The Literary Afterlives of Henry James, Virginia Woolf, and Sylvia Plath. – University of Leeds, 2013. – 309 p.; Knežević Mirjana M. Postmodernist Approach to Biography: “The Last Testament of Oscar Wilde” by Peter Ackroyd. // *Facta universitatis Series: Linguistics and Literature* Vol. 11, No 1, 2013, 47-54 p.; Saunders M. Byatt, Fiction and Biofiction// *International Journal for History, Culture and Modernity*, 2019 – 7(1), 87-102 p.; Abu Amrieh, Yousef. “I could right what had been made wrong”: Laila Lalami’s appropriation of Aphra Behn’s Oroonoko. // *Arab World English Journal* (6), 2015. – P. 191-204.; Maszewski, Zbigniew. Cabeza de Vaca, Estebanico, and the Language of Diversity in Laila Lalami’s “The Moor’s Account”. // *Text Matters* (8), 2018. – P. 320-331.; Sensri, I., Benabed, F. Narrating the extremes: The language of suffering and survival in Laila Lalami’s “The Moor’s Account”. // *Ars Aeterna*, 11(2), 2019. – P. 24-40.; Lackey M. The American Biographical Novel. – Bloomsbury, 2016. – 278 p. Lackey M. Truthful Conversations with American Biographical Novelists. – Bloomsbury, 2014. – 264 p.; Lackey M. Conversations with Jay Parini. – University Press of Mississippi, 2014 – 163 p.; Lackey M. Biofiction. An Introduction – New York and London: Routledge, 2022. – 185 p.

<sup>6</sup> Комаровская Т.Е. Творчество Ирвинга Стоуна. – Минск: Изд БГУ, 1985. – 144 с.; Померанцева Г.Е. Биография в потоке времени. ЖЗЛ: замыслы и воплощения серии. – Москва: Книга, 1987. – 335 с.; Гиль О.Л. Документально художественные биографии в творчестве Ричарда Олдингтона: Книги о писателях. Дисс. ... канд.филол.наук. – Санкт-Петербург, 1996. – 163 с.; Ушакова Е.В. Литературная биография как жанр в творчестве П.Акройда: Дисс. ... канд.филол.наук. – Москва, 2001. – 195 с.; Казанцева Г.В. Беллетризованные биографии В. П. Авенариуса «Пушкин» и «Михаил Юрьевич Лермонтов»: история, теория, поэтика жанра: Дисс. ... канд.филол.наук. – Йошкар-Ола, 2004. – 239 с.; Шубина А.В. Проблема биографического жанра в творчестве Питера Акройда: Дисс. ... канд.филол.наук. – Санкт-Петербург, 2009.; Холиков А.А. Биография писателя как теоретико-литературная проблема (На материале жизни и творчества Д.С.Мережковского с 1865 по 1919): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2009.

<sup>7</sup> Пропп А. Морфология сказки. – Москва: Академия, 1928. – 152 с.; Jakobson R. Closing Statement: Linguistics and Poetics. // *Style in Language*. Edited by Thomas A. Sebeok. – Cambridge, Massachusetts: Massachusetts Institute of Technology, 1960. – P. 350-449.; Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. – Ленинград, 1960. – 174 с.; Sosnovskaya V.B. Analytical Reading. – Moscow: Higher School, 1974. – 180 p.; Galperin I.R. Stylistics. – Moscow: Higher School, 1977. – 333 p.; Keir Elam. The Semiotics of Theatre and Drama. London and New York: Routledge, 1980. – 163 p.; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка (стилистика декодирования). – Ленинград: Просвещение, 1981. – 384 с.; Shlomith Rimmon-Kenan. Narrative Fiction. Contemporary Poetics. London and New York: Routledge, 1983. – 177 p.; Kukharenko V.A. Seminars in Style. – Moscow: Higher school, 1971. – 183 p.; Jakobson Roman. Linguistics and Poetics. // *Language in Literature*. Harvard University Press, 1987. – 548 p.; Якобсон Р. Работы по поэтике. – Москва: Прогресс, 1987. – 478 с.; Barilli, Renato. Rhetoric. (Translation by Giuliana Menozzi) – Minneapolis: University of Minnesota Press, 1989. – 184 p.; Aznaurova E.S. Interpretation of Literary Text. – Tashkent, 1990. – 180 p.; Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Тошкент, 1995. – 143 б.; The Oxford Companion To English Literature. Sixth Edition. Edited By Margaret Drabble. – Oxford University Press, 2000. – 1188 p.; Handbook of Classical Rhetoric in the Hellenistic Period (330 b.c.-a.d. 400) edited by Stanley E. Porter. – Boston, Leiden: Brill Academic Publishers, Inc., 2001. – 919 p.; Peter Childs, Roger Fowler. The Routledge Dictionary of Literary Terms. London and New York: Routledge, 2006. – 272 p.; Поэтика: словарь актуальных терминов и понятий. под ред. Н.Д. Тамарченко. – Москва: Издательство Кулагиной; Intrada, 2008. – 359 с.; The Routledge Handbook of Stylistics. Edited by Michael Burke. – London and New York: Routledge Tavlор Francis Group, 2014. – 558 p.



матнни трансекстуал бирликлар асосида таҳлил қилиш, интертекстуалликни ҳосил қиладиган стилистик воситалар каби замонавий қарашлар ҳам ёритиб берилган.

Ўзбек адабиётшунослигида биографик асарлар С.Мирвалиев, И.Варфоломеев, А.Каттабеков, И.Самандаров, А.Носиров, Ғ.Муродов (тарихий асарлар типидида ўрганилган) ва Ф.Ҳажиеванинг тадқиқотларида ўрганилган<sup>8</sup>. Бироқ замонавий америка адабиётида постмодерн йўналишда яратилган биографик романлар поэтикасини ўрганишга бағишланган йирик монографик тадқиқот мавжуд эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Бухоро давлат университетининг “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва адабиётшунослик муаммолари” мавзуидаги илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Диссертация Бухоро давлат университети ва АҚШнинг Огайо шимолий университети ҳамкорлигида амалга оширилган “Faculty Enrichment Program” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** америка постмодерн адабиётида биографик роман поэтикаси, жанр трансформацияси ва траекториясини Жей Парини, Майкл Каннингҳем ва Лайла Лалами биографик асарлари мисолида ёритиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Замонавий адабиётшуносликда постмодернизм оқимининг космополитик, эклектик, плюралистик, калейдоскопик, трансекстуал ўзига хос жиҳатларини назарий ўрганиб чиқиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

АҚШ, Европа, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда ўзбек адабиётшунослигида поэтикага оид назарий қарашларни тизимлаштириш, масалага оид формализм оқими вакиллари ҳамда замонавий тадқиқотларни шарҳлаш, риторика – поэтика атамаларини бинар оппозицияда чоғиштириш ҳамда стилистиканинг қадимги поэтика ва риторика фанларининг вориси эканлигини асослаш;

Жей Парини ижодида биографик романга оид концепцияни очиб бериш ва унинг “The Last Station” (“Сўнгги бекаат”) асарининг стилистик таҳлили орқали постмодерн биографик романда полифоник баён услуби, концентрик сюжет чизигини декодлаш ва ўхшатиш стилистик воситаси орқали ифодаланган киноявий (ирония) ҳамда истехзоли (сарказм) оҳанг устунлик қилишини аниқлаш;

---

<sup>8</sup> Мирвалиев С. Ўзбек романи (жанр манбалари ва унинг ташкил топиши). – Тошкент: Фан, 1969. –313 б.; Варфоломеев И. Типологические основы жанров исторической романистики: (Классиф. вида). – Ташкент: Фан, 1979. – 166 с.; Каттабеков А. Художественное воплощение личности и исторической эпохи в современной прозе: Дисс. ... док.филол. наук. – Ташкент, 1985. – 398 с.; Самандаров И. Историзм узбекских исторических романов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 24 с.; Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини (“Юлдузли тунлар” романи мисолида): Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Тошкент, 2003. – 24 б.; Муродов Ғ. Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – 170 б.; Ҳажиева Ф. Биографик роман жанри хусусиятлари (И.Стоун, М.Қориев ва Н.Норматов асарлари қиёсида) Филол.фан.бўйича фалсафа доктори...дисс. – Тошкент, 2018. 153 – б.

М.Каннингҳем ижодида постмодернизмга хосликни кузатиш, унинг “The Hours” (“Соатлар”) биографик романида сюжет трихотомиясини декодлаш, асар матнидаги транстекстуал бирликлар: интертекст, метапроза, гипертекст ҳодисаларини таҳлил қилиш ҳамда асарда рамзийлик касб этган деталларни шарҳлаш;

Л.Лалами постколониал ижодидаги плюралистик ғояларни талқин қилиш, унинг “The Moor’s Account” (“Қора занжи ҳисоботи”) биографик романининг ретроспекцион сюжет чизиғидаги Африка ва мусулмон менталитетига хос миллий манзарани таҳлил қилиш, аллюзия, реминисценция, цитаталар орқали ҳосил қилинган интертекстуалликни асослаш, ёзувчи қўллаган фонетик, лексик ва синтактик стилистик воситалар ёрдамида ифодаланган шарқона услубни ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида америкалик ёзувчилар Жей Парини, Майкл Каннингҳем ва Лайла Лаламининг асарлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни америка постмодерн адабиётидаги биографик романлар поэтикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тавсифий, биографик, контекстуал, антропоцентрик, стилистик, адабий таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

постмодерн биографик роман концепцияси ва унинг поэтикасини белгилашда асарнинг ғоявий-семантик, структур моҳияти, матннинг вербал қатламида воқеаланувчи стилистик воситалар, матнга хос интертекстуаллик ва транстекстуаллик, матн тузилиши (сюжет), муаллиф ижодидаги идиостиль, унинг асар ҳодисаларига субъектив муносабати кабиларнинг етакчи омиллар сифатида намоён бўлиши исботланган;

космополитик постмодерн адабиётида миллий қадриятларни акс эттириш, маданий кодларни сингдириш, эътиқодлар уйғунлигини таъминлаш, тарихий занжирни ривоятлар асосида тиклашда, ғарб адабий маданиятига шарқ анъаналарини олиб киришда аллюзия, цитата, реминисценция, метафора, метонимия сингари стилистик воситаларнинг бирламчи характерга эга эканлиги асосланган;

Жей Паринининг “Сўнги бекат” постмодерн биографик романида полифоник баённинг дунёқарашлар плюрализмини ҳосил қилганлиги, концентрик сюжет чизиғи орқали асар лейтмотивини юқори планга чиқарилганлиги ва баёнда ўхшатиш стилистик воситаси орқали киноявий (ирония) ҳамда истехзоли (сарказм) оҳанг ҳосил қилинганлиги аниқланган;

М.Каннингҳемнинг “Соатлар” биографик романида сюжет трихотомиясини деконструкциялаш, матндаги транстекстуал бирликларни кузатиш, асарда рамзийлик касб этган деталларни шарҳлаш каби жараёнларда замонавий постмодерн биографик романида прототипнинг рухий, маънавий оламини англашнинг бирламчи (устувор), тарихий шахс ҳаётидаги фактларни ўрганишнинг эса иккиламчи аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

Л.Лаламининг “Қора занжи ҳисоботи” постмодерн биографик романида кўпфиррилиқ, ирқий тенглик, диний толерантлик ва космополитик оламда миллий ўзига хослик ғояларининг ҳамда шарқона услубнинг доминантлигини воқелантиришда субъектив нарратологик техника, интертекстуаллик, тарихийлик мезони асосий услубий омиллар бўла олиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Амалга оширилган тадқиқот постмодерн биографик романини тадқиқ қилишнинг антропоцентриқ, стилистик, адабий таҳлил методларини тавсия этади. Ишда Ж.Парини, М.Каннингҳем ва Л.Лалами асарларида полифоник нутқ, сюжет трихотомияси, концентрик сюжет, ретроспекция ва композицион яхтитлик, аллюзия, реминисценция, цитата, пастиш воситасида ифодаланган интертекстуаллик, рамзийликнинг аҳамияти батафсил ўрганилган ва уларга хос белгиларни аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Мазкур диссертацияда эришилган натижалар ва хулосалардан постмодерн биографик роман назариясини батафсил ўрганишда, шунингдек, филология бўйича олий ўқув юртларида америка адабиёти, адабиёт назариясига оид дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, ёзувчилар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тадқиқотларни бажаришда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, постмодернистик биографик роман хусусиятига оид қўйилган муаммо стилистик, тавсифий, биографик, психоаналитик, адабий таҳлил методлари асосида аниқлаб берилгани, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшунослик соҳасида мавжуд муаммоларни тадқиқ қилиш, унинг асосий таҳлилий хулосаларидан америка адабиётида биографик роман поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни мукаммаллаштириш, XX аср америка биографик романларининг полифоник, транстекстуал ва космополитик хусусиятларини тўлақонли ўрганиш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти америка постмодерн адабиёти поэтикаси ва унинг хусусиятларини аниқлашда манба вазифасини бажара олиши, унинг хулосаларидан “Америка адабиёти”, “Адабий оқимлар эволюцияси”, “Адабиёт назарияси”, “Стилистика”, “Матн таҳлили” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштиришда, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Америка постмодерн адабиёти поэтикасини ўрганиш, Ж.Парини, М.Каннингҳем, Л.Лалами

ижодини тадқиқ қилиши ва постмодерн биографик роман табиатини ёритиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

постмодернистик адабиётда поэтик тилнинг ўзига хослиги, Ж.Парини, М.Каннингхем ва Л.Лалами биографик асарлари мисолида америка адабиётидаги космополитик маданиятига хос жиҳатлари, асарлардаги транстекстуал матн кўринишлари ва стилистик воситаларнинг контекстуал таҳлили билан боғлиқ натижалардан ОТ-Ф1-18 “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзудаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Андижон давлат университетининг 2022 йил 5 мартдаги № 39-08-542-сон маълумотномаси). Натижада “Америка адабиёти”, “Адабиётшунослик”, “Стилистика” ва “Матн таҳлили” фанлари ва уларга оид методология янги назарий қарашлар билан бойитилган;

антик адабиётдан тортиб бугунги кунга қадар тараққиёт босқичларида стилистик воситалар классификациялари ва уларнинг динамик ўзгаришлари, поэтика ва риторика фанларини бинар оппозицияда солиштириш натижасида ўзаро кесишувчан ва дифференциал нуқталари билан боғлиқ хулосалардан Олий таълимнинг хорижий филология (инглиз) 5111400, 5112200, 5120100, 5120200 таълим йўналишлари учун яратилган “Theoretical Aspects of the Language Learned (Stylistics)” номли дарсликда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан берилган № 237-169 рақамли Ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси). Натижада поэтика ва стилистика соҳалари генезиси, стилистик воситаларнинг антик ва замонавий таснифлари, Ж.Парини ва Л.Лалами асарларида қатор стилистик воситалар талқини ва контекстуал шарҳи орқали стилистика фанининг амалий қисмлари такомиллаштирилган;

замонавий биографик романлар поэтик тилининг экспрессивлигини белгиловчи унсурларга оид хулосалардан Европа Иттифоқининг Эрасмус + дастури доирасида амалга оширилган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 17 февралдаги 265/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада постмодерн биографик романларида қўлланилган метафора, метонимия, эпитет, ирония, сарказм, ўхшатиш, стилистик такрор, параллель конструкция, инверция, ажралилган конструкция (detached construction) каби стилистик воситаларнинг контекстуал ва имплицит маъноларини декодловчи маълумотлар билан “Адабиётшунослик”, “Матн таҳлили”, “Стилистика” фанлари асосларини модернизация қилиш имкони яратилган;

постмодерн адабиётда шаклланган бадиий техника, образларнинг ноанъанавий ифодаси, полифоник муносабат, жанрлар мутациясига доир назарий хулосалардан “Бухоро” телеканалининг “Ассалом, Бухоро” ва “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 7 февралдаги № 1/28-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар учун

тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган; келтирилган таҳлиллар телетомошабинларнинг замонавий америка адабиётида постмодернизм тенденциялари, биографик романлар услуби ва мазмуни тўғрисидаги билимини ва уларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 13 та мақола: 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 274 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Постмодернистик биографик роман жанри ва поэтикага оид назарий қарашлар тизими”** деб номланган биринчи бобида жаҳон адабиётшунослигида постмодернизм оқимининг хусусиятлари, унинг вужудга келиш омиллари ва биографик роман жанрига таъсири, адабиётшуносликда “поэтика” термини генезиси ва бугунги кундаги тараққиёти масалаларига эътибор қаратилган.

XX асрда биринчи ва иккинчи жаҳон урушларидан олдин ва сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоялар силсиласи – ижтимоий ва сиёсий оламдаги дарвинизм, марксизм, фрейдизм, индивидуалистик анархизм, демократия ва эркинлик, илм-фан тараққиёти, феминизм каби плюралистик дунёқараш, “ғоялар жанги” адабиётда ҳам ўз аксини топди. Яъни жамиятдаги турлитуман ўзгаришлар ва дунёқарашлар рангба-ранглиги, материалистик оламнинг маънавий оламга нисбатан устун келиши, инсонларнинг ижтимоий ва жинсий тенглиги, илм-фаннинг тараққиёти натижасида инсоннинг

космосга парвоз қилиши, компьютер технологиялари ихтироси натижасида кибер дунёнинг кашф этилиши ва ҳоказолар бир қолипга сиғиша олмайдиган хаос адабиётда постмодернизмнинг шаклланишига туртки бўлди. Анъанага айланган европоцентризм, логоцентризм, этноцентризмнинг емирилиши натижасида замонавий адабиётда тартибсизлик (chaos), саросималик, парокандалик, марказдан қочиш (decentralization), тизимсизлик, эксцентриклик каби белги-хусусиятлар постмодернизм орқали ифодаланди.

Постмодернизм тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг ўрганилишига оид дастлабки тадқиқотларга эътибор берадиган бўлсак, мазкур оқими Ғарбда пайдо бўлган ноанъанавий санъат ҳодисаси бўлиб, тилшуносликдаги постструктурализм ғояларининг мантиқий давоми сифатида бадиий асарнинг тил сатҳида, матн кесимида (интертекст, аллюзия, пастиш, пародия ва ҳ.) ўз ифодасини топган. Адабиётда постмодернизм рассомчилик ва меъморчилик санъат турларидан таъсирланиб, қоришиқ фантазия, маданият ва ғояларни мазмун сифатида адабиётга сингдирган. Натижада янги мазмун ва услубдаги адабий ҳодиса сифатида шиддат билан Ғарбий Европа ва Америка адабиёт оламини эгаллаган.

Постмодернизм ғарб адабиётшунослигида чуқур ўрганилган бўлиб, масалага оид турли илмий қарашлар илгари сурилган. Паула Гейх, Фред Либрон, Эндрю Леви томонидан яратилган “Postmodern American Fiction. Norton Anthology”<sup>9</sup> китобида постмодернизм ҳодисаси ҳамда унинг пайдо бўлиш омиллари ёритилган. Олимларнинг фикрича, постмодернизм жаҳонда иқтисодий жиҳатдан тўнтариш содир бўлиши, гегемон давлатлар Америка ва Совет Иттифоқи, уларнинг иттифоқчилари орасидаги совуқ уруш, Америка аҳолисининг гетероген миллатли халққа айланиши, телевидение ва компьютернинг асосий ахборот воситаси даражасига чиқиши сабаб вужудга келган.

Маргарет Дребблнинг фикрича, постмодернизм тушунчаси архитектура соҳасида муваффақиятли қўлланилган термин. Адабиётшуносликда эса модернизм анъаналарини муваффақиятли давом эттирган адабий оқимдир. Модернизмга ҳамоҳанг жиҳатларга қўшимча равишда, постмодернизм ўзига хос хусусиятлари билан модернизмдан фарқ қилади. Бу жиҳатлар пародия, пастиш, скептизм (ишончсизлик, иккиланиш), истезҳо, фатализм, “юксак” ва “қуйи” аллюзияларга ажратиш каби ҳолатларда намоён бўлади. Дребблнинг фикрича, постмодернизмнинг мақсади аниқлик киритишдан иборат эмас, балки тасодифий ўйинларни кўрсатиш, модернизм улуғлаган чуқур фалсафий маънони етказиш эмас, балки масалага юзаки ёндошишга қаратилган.<sup>10</sup>

XX асрнинг иккинчи ярмида тараққий топган постмодернизм даврида яратилган биографик роман ҳам бу оқим таъсирига учраганини кузатиш мумкин. Бу ҳодисани кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида чуқур ўрганиб, тегишли назарий хулосалар чиқарганлар.

<sup>9</sup> Geyh, Paula; G. Leebron, Fred; Levy, Andrew. Postmodern American Fiction. Norton Anthology. – New York, London: W.W. Norton & Company, 1998. – P. X.

<sup>10</sup> Drabble, Margaret (editor). The Oxford Companion To English Literature. Sixth Edition. – Oxford University Press, 2000. – P. 806

Канадалик олим Линда Хатчеон (Linda Hutcheon) “Хатто реал тарихий шахслар ҳам бошқача, махсулаштирилган ва оқибатда, эксцентрик мавқега эга (*Even the historical personages take on different, particularized, and ultimately ex-centric status...*<sup>11</sup>”, – дея, постмодернистик биографик романда тасвирланган тарихий образлардаги ноанъанавийликни таъкидлайди.

Болгариялик олим Мадлен Данованинг фикрича биографик роман модерн адабиётидан кўра кўпроқ постмодерн адабиётга таълуқлидир. Ушбу “гибрид жанр” автобиография, биография, хужжатларни бир бадий (тўқима) маконга бирлаштиради (*“the postmodern converging of autobiography, biography, and documentary within a single fictional space*<sup>12</sup>”, – деган фикрларни билдирган.

Буюк Британиялик тадқиқотчи Бетани Лейн таъкидлашича, постмодерн асарларда биограф ўз қахрамонини чуқур ўрганганлигидан гувоҳлик берувчи интертекстуал воситалар - цитата, плагиат (plagiarism) ва аллюзия ёрдамида гипотекст/гипертекст муносабатлари вужудга келтиради.<sup>13</sup>

Сербиялик тадқиқотчи Миржана Кнезевичнинг фикрича, “Ўзининг постмодернистик бузилишлари ва ўйноқли вентрилоквизмига қарамасдан, биографик роман бош қахрамони (субъект) ҳаёти тўғрисида ҳаққоний тушунча беришга ва уни тарихдан қайта тирилтириб, китобхонга етказишга қодирдир. Бу ҳақиқий биографиянинг асосий мақсадидир”.<sup>14</sup>

Америкалик олим Майкл Лэкининг фикрича, “ёзувчидан биографик ва тарихий аниқликни талаб қилиш нотўғри”, адабий қахрамон ҳеч бир даврда ҳақиқий прототип каби бўла олмайди. Китобхон аниқ биографик маълумотдан кўра кўпроқ санъат асарини ўқийди. Такдим этилаётган (маълумот) ҳам тарихий шахсдан кўра кўпроқ замонавий санъаткор (назариди) тасвирланади. (*“...the paper character in a biographical novel is not supposed to be seen as one and the same as the actual historical person it is incoherent to demand biographical much less historical accuracy from the writers. What readers get is a work of art rather than an accurate biographical representation, and the representation consists more of the contemporary artist than the historical figure”*)<sup>15</sup>. Бу билан олим биограф яратган ҳар қандай образ, тарихий шахс бўлишига қарамасдан, бадий тафаккур ҳосиласи бўлиб, яратувчи-муаллифнинг дунёқараши билан суғорилган бўлади, деган хулосага келиш мумкин.

Постмодернизм даври ва ундан олдинги давр биографик романига оид назарий қарашлар тадқиқи ва шарҳи шуни кўрсатадики, бу даврда жанр жиддий трансформацияланиб, давр оралиғида доминант эстетик жанр

<sup>11</sup> Hutcheon, Linda. *A Poetics of Postmodernism. History, Theory, Fiction*. – New York, London: Routledge, 2004. – P. 113-114

<sup>12</sup> Danova, Madeleine. *The Jamesiad. Between Fact and Fiction: the Postmodern Lives of Henry James* // *Годишник на софийския университет “Св. Климент Охридски” факултет по класически и нови филологии*. Том 104; Sofia University Press, 2011. – P. 11.

<sup>13</sup> Layne, Bethany (Post)Modernist Biofictions: The Literary Afterlives of Henry James, Virginia Woolf, and Sylvia Plath. – University of Leeds, 2013. – P. 283.

<sup>14</sup> Knežević, Mirjana M. *Postmodernist Approach to Biography: “The Last Testament of Oscar Wilde” by Peter Ackroyd*. // *Facta universitatis Series: Linguistics and Literature*, Vol. 11, No 1, 2013. – P. 47.

<sup>15</sup> Lackey M. *Biofiction. An Introduction*. – New York and London: Routledge, 2022. – P. 84.

кўринишига айланган. Буни “биографик роман” термини трансформациясида ҳам кузатиш мумкин. Даставвал, биографик романга “тарихий роман”нинг бир кўриниши сифатида қаралган бўлса (Европада Лукач, 1934), кейинги босқичларда “биографик роман” истилоҳи романнинг бир тури сифатида истъмолга олиб кирилган (АҚШда И.Стоун, 1957). Постмодерн адабиётида метапроза кўринишида яратилган биографик романларга нисбатан “тарихий метафикция” деган термин ҳам қўлланилган (Канадада Линда Ҳатчеон, 2004). Ҳатчеоннинг ишларида тарихий метапроза остида “биографик метапроза” ҳам назарда тутилган. Чунки олима ўз ишида тарихий асарлар баробарида, жаҳон адабий жараёнида биографик роман яратишдаги “портлаш”ни кузатиб, уларни ҳам “Historiographic Metafiction: “The Pastime of Past Time” номли бобда тадқиқ этган ва жанрларни бир-биридан ажратмаган.

Биографик романни тарихий роман жанридан ажратишга уринишлар кейинги босқичда ўз ҳосилини бера бошлаган. М.Данова (Болгария, 2011) биографик романни “гибрид шакл” деб атаб, унга нисбатан турли терминларни (literary/fictionalized biography, biographical fiction, auto/biografiction, biofiction) қўллайди. Англиялик олим Бетани Лейн (2013) постмодернизм даврида ёзилган биографик романларга нисбатан “(Post) Modernist Biofictions” термини ишлатади. У биофикция истилоҳидан фойдаланиб, ишнинг объекти сифатида танланган асарларни жанрини белгилаган. Макс Саундерс (Буюк Британия, 2019) “биографик роман” термини янги тушунчаларни англатишини назарда тутиб, уни “биофикция” ва “биографик метапроза” каби кўринишларига ажратган. Олим “биофикция” термини постмодернизм даврида яратилган интертекстуал, полифоник, аллюзия ва сарказм/истехзо билан яратилган экспериментал асарларни назарда тутган. “Биографик метапроза” сирасига “метаматн” ёрдамида яратилган асарларни киритган. Макс Саундерс, шу билан бир қаторда, биографик романларнинг янги кўринишини ҳам илгари сурган. Унингча, асар персонажлари тарихий прототипга эга бўлиши, бироқ тўқима исмлар билан аталиши мумкин. Шундай бўлса-да, бундай асарлар биографик роман бўла олишини исботлаган. Ва ниҳоят, энг сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда бу масалага яқун ясалган. Америкалик олими Майк Лэки (2022) ҳар қандай биографик манбага ишора этадиган асарларни “биофикция” термини билан номлаган.

Мазкур бобда шунингдек, тадқиқот предмети сифатида олинган “поэтика” масаласига ҳам эътибор қаратилиб, европа, америка ва ўзбек олимларининг бу муаммога оид назарий қарашлари тизимлаштирилган. Антик даврдан бугунги кунга қадар адабиётшунослик, фалсафа, эстетика каби соҳаларда мустаҳкам ўрин эгаллаб, асрдан асрга кўчиб, янгича талқин ва маъно-мазмун орттириб келаётган “поэтика” термини бадиий адабиёт – санъатининг негизини ташкил этиши исбот талаб қилмайдиган аксиома бўлиб ҳисобланади. “Поэтика” истилоҳи атрофида риторика, поэтик тил, риторик, поэтик, стилистик воситалар, троп, фигура, жанр, образ, характер, баён, сюжет, архитектоника ва ҳоказолар турадики, уларни бадиий адабиёт ва унинг назарияси ўз ўқи атрофида боғлайди. Қадимги Юнонистон, Рим



нотиқлик санъати мактабларида томир отган “поэтика” Аристотелнинг шу ном билан аталган (“Поэтика”, эр.ав. 335) рисолаида ўзининг мукамал ифодасини топган. Бадиий адабиётни, аниқроғи трагедияларни чуқур тушунишга қаратилган дастлабки таҳлилий асар сифатида “Поэтика”<sup>16</sup> дунё адабиётшунослигида энг машхур тадқиқот сифатида кўплаб фанлар ва фалсафий қарашларга замин бўлиб келмоқда. Аристотель “Поэтика”сига ёнма-ён турган “Риторика”<sup>17</sup> (эр.ав. IV аср) ҳам ўз навбатида Ғарб адабиётшунослиги ва тилшунослигида муҳим генетик асос вазифасини бажармоқда. Асрлар давомида бу икки тушунча тилшунослик ва адабиётшуносликнинг икки устуни сифатида методологик асос бўлиб келмоқда. Чунки поэтика ва риторикани боғлаб турувчи чизиқлар борки, булар орқали бадиий адабиётни комплекс тушуниш имкони пайдо бўлади. Замонавий филология соҳасида икки фаннинг вориси сифатида стилистика фани тараққий этиб, бадиий асарни стилистик тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Соҳада Стенли Потер (Stanley E. Porter), Шломин Риммон-Кенан (Shlomith Rimmon-Kenan), Ренато Барилли (Renato Barilli), Илам Кейр (Elam Keir), Питер Чайлдс (Peter Childs), Рожер Фовле (Roger Fowler), Майкл Бўрк (Michael Burke), Р.Якобсон, А.Пропп, М.Д.Кузнец, Ю.М.Скребнев, И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин, Е.С.Азнаурова каби олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Питер Чайлд ва Рожер Фовлер томонидан тузилган адабиётшунослик терминлари луғатида “Замонавий адабиётшуносликда поэтика шеърятни ёки шеър ёзиш техникаси (санъати – Ф.Хажиева) билан боғлиқ тушунча бўлибгина қолмасдан, умумий қилиб адабиёт назарияси, деган маънода қўлланилади. Рус формалистлари, Прага мактаби ва француз структуралистларидан тортиб постструктуралист ёзувчилари адабиётни бир асар доирасида ўрганиш билан чегараланиб қолишга эмас, балки, асарларни бир-бирига боғлаб турувчи универсал хусусиятларига эътибор беришни ва асарни яқка ҳолда эмас, балки, ундаги бадиийликни талқин қилиш эътибор қаратганлар. Мақсад, матнларни бирлаштирувчи қонуниятларни, адабиётни моҳиятини қидириб топишдан иборат”<sup>18</sup>, – деган фикрлар илгари сурилган. XX аср бошларида рус формализми ғоялари таъсирида қайта тикланган поэтика тушунчаси адабиётни структур, ғоявий, вербал сатҳда комплекс тушунишга қаратилганлиги билан муҳим саналади. Шундан келиб чиқиб биз тадқиқотнинг кейинги бобларида постмодернизм оқими таъсирида яратилган биографик асарларни таҳлил қилишга ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишга эътибор қаратдик.

**“Жей Паринининг “Сўнгги бекат” асари постмодернистик биографик роман сифатида”** деб номланган иккинчи бобда Ж.Парини ижодида биографик роман концепцияси, “Сўнгги бекат” (1990) асари лейтмотивини шакллантиришда полифоник тафаккурнинг антропоцентрик

<sup>16</sup> Aristotle. *Poetics*. (Translated by S.H. Butcher). New York: Macmillan, 1902. – 131 p.

<sup>17</sup> Aristotle. *Rhetoric*. (Translated by W. Rhys Roberts). The Internet Classics Archive by Daniel C. Stevenson, Web Atomics, 1998. – 183 p.

<sup>18</sup> Peter Childs, Roger Fowler. *The Routledge Dictionary of Literary Terms*. London and New York: Routledge, 2006. – P.179.

тахлили ва романда қўлланилган ўхшатишларнинг контекстуал ҳамда лингвомаданий аспекти ўз ечимини топган.

Жей Парини биографик романни тарихий асарлардан устунроқ қўйиб, тарихий романларни “учинчи даражали, арзон дўконларда сотиладиган китоблар” (“third-rate, dime store novels”)<sup>19</sup> деб айтади. Адиб биографик роман нафақат тарихий ҳақиқат асосида қурилади, балки, ҳужжатлар, кундаликлар, интервьюлар билан бир қаторда муаллиф ўз тасаввурига ҳам таянади, дея таъкидлайди. Парини учун биографик романда маънавий, диний қарашлар тарихий ҳақиқат билан ҳамоҳанг тасвирланиши керак. Жей Парини замонавий америка адабиётида постмодернизм хусусиятлари тўғрисида тўхталар экан, биографик роман ва постмодернизм назарияси бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини қайд этади. Улардаги боғлиқлик ҳақиқатни қайта яратишга қаратилганлигида, дейди. Парини нуқтаи назарига кўра ҳақиқатга қайси ракурсдан қарасангиз ўша жиҳати билан ҳақиқат бўлиб қолади. Агар сиз бир масалага диний нуқтаи назардан қарасангиз ўша томонлама ҳақиқатни кўра оласиз, дунёвий нуқтаи назардан нигоҳ солсангиз дунёвий жиҳатдан ҳақиқатга айланади. Паринининг фикрича, инсон қайси кўз билан масалага қараса ўшанинг ечимини кўра олади. Ижодкор метафорик тилда ушбу қарашни “камерага бириктирилган линзага ўхшайди, – деб айтади, – қандай ранг ва қайси предметга камеранинг линзаси қаратилган бўлса, ўша нуқтаи назарни реципиент кўришга интилади”<sup>20</sup>.

Парини нафақат биографик роман назариячиси, балки у бу жанрга ўзининг қатор романлари билан ҳам катта ҳисса қўшган. Унинг 1990 йилда яратилган “Сўнгги бекат” асари буюк рус ёзувчиси Лев Толстойга бағишланган бўлиб, асарнинг сюжет чизиғи ноанъанавий, қизиқарли баён услубида шакллантирилган. Жей Парини кўп сонли ҳикоячилар полифоник нутқида Лев Толстой портретини чизади. Воқеани бир неча ҳикоячи ёки бир неча нуқтаи назардан баён этиш санъати ҳар бир бадиий характери ўзига хос тўлақонли қилиб яратишга ва воқеликка субъектив муносабат билдиришга имкон беради. Шундай қилиб, бу усул, “асарга ҳаётийлик (инглизчада – *verisimilitude*, русчада – правдоподобие), кенг қамровли киноявийлик, кескин ажралиб турадиган хилма-хиллийлик касб этади”<sup>21</sup>. Шу сабабдан романдаги биографик ҳақиқатга китобхон ҳар бир персонаж нуқтаи назари билан қарайди. Антропоцентрик таҳлил шуни кўрсатадики, полифоник баён усули психологик жаҳатдан реципиентга таъсир кучи кўпроқ бўлади. Китобхон ҳар бир тарихий фигура (антропос)ни тинглаб, ўзича хулоса чиқариш имкониятига эга. Бизнинг кузатишларимиз натижасига кўра асарда етти ҳикоячи (антропос) ўз воқеасини қирқ икки бобда гапириб берган. Булар: Лев Николаевич Толстой – L.N. (9 бобда L. N. аббревиатураси орқали белгиланган), унинг овозини аутентик материаллар: ҳақиқий мактублар, кундаликдаги қайдлар, фалсафий қарашлар орқали тушуниш мумкин, Толстойнинг хотини Софья Андреевна (8 бобда), унинг қизи Саша

<sup>19</sup> Lackey M. Truthful conversations with American biographical novelists. – New York: Bloomsbury, 2014. – P. 206.

<sup>20</sup> Ibid., P. 207-215.


<sup>21</sup> Boulton M. The Anatomy of the Novel. – London, Boston: Routledge and Kegan Paul, 1975. – 40 p.

(5 бобда), Толстойнинг ёш котиби – Валентин Булгаков (9 бобда), ёзувчининг ношири ва дўсти – Владимир Чертков (3 бобда), шахсий шифокори – Душан Маковитский (4 бобда), муаллиф – Жей Парини (3 бобда J.P. аббревиатураси орқали белгиланган). Бирта кўшимча бобда Толстой оила аъзоларининг ёзишмалари ҳам асар тўқимасига сингдирилган.

Қуйидаги диаграммада асар сюжетини ривожлантириб берувчи беш асосий персонажнинг васиятномага муносабатини кузатиш мумкин.

1-диаграмма

Ж.Паринининг "Сўнгги бекат" биографик асарида лейтмотив ва персонажларнинг унга муносабати



Романдаги ҳар бир қаҳрамон ўз ҳомийлари ва ардоқли инсонлари Лев Толстойни ҳурмат қилишади ва унга турли кўринишларда ўз муҳаббатларини намоён қилишади. Бири турмуш ўртоқ сифатида, бири фарзанд сифатида, бири дўст ва биродар сифатида, бири шогирд сифатида, бири ғамхўр табиб сифатида меҳрини ўз қарашинигоҳида сўзлаб беради. Улар учун Толстой маънавий лидер, даҳо. Толстой асарнинг ядроси, ўқи бўлиб, ҳар бир персонажни ўз атрофида айлантиради. Ҳар бир персонаж ўз нигоҳида воқеаларга изоҳ берибгина қолмай, бу нигоҳлар қарама-қаршилиги уларда бир-бирига оппозицион ҳиссиётларни уйғотади.

Асардаги лейтмотив Толстой томонидан ёзилган васиятнома сюжетдаги чигал конфликтни келтириб чиқаради. Воқеалар силсиласида баён этилишича, даставвал Лев Николаевич васиятногани оила аъзолари фойдасига ёзган. Драматик эпизодлар силсиласида шогирдлари таъсирида уни қайта ёзиб, муаллифлик ҳуқуқидан воз кечади, яратган бадиий асарларини инсоният фойдасига қолдиради. Асар Толстойнинг вафоти ва рус халқининг мотам тутиши билан якунланади.

Тадқиқотда, шунингдек, “Сўнгги бекат” асарида қўлланилган стилистик ўхшатишлар ҳам таҳлилга тортилган. Бир юз эликдан ортиқ ўхшатишлар

хар бир персонаж нуткида кузатилиб, уларнинг асар хронотопини тасвирлашда, постмодернистик асарга хос киноявий ва истехзоли муносабат яратишда, шунингдек, Лев Толстой буюклигини асарда рефлексиялашда қўлланилганлиги исботланди.

| №  | Ўхшатишга мисол   | Ўхшатиш объекти                                     | Асар қаҳрамони    |
|----|---|---|-------------------|
| 1. | Exile is a great Russian institution. The Russian soul has been tempered, like blue steel, in Siberia. (18 бет)   | Рус қалби   | Валентин Булгаков |
| 2. | An ornately scrolled, thick-legged writing table stood in the center of the room, an altar of sorts. I touched it gingerly, running my hand along the smooth desktop, then sat in Tolstoy's chair. I felt as if I had mounted a powerful horse that was about to charge off all by itself, oblivious to my wishes. (46 бет) | Толстойнинг иш столи ва ўриндиғида ўтирган Булгаков | Валентин Булгаков |

Биринчи мисолда муаллиф ўхшатиш орқали Булгаков нуқтаи назарида XIX аср охири XX асрларнинг бошида русларнинг сиёсий ва диний муаммоларига эътибор қаратган. Тарихий маълумотлар ва ёзувчи биографиясидан маълумки, Толстой буюк ёзувчи бўлиш билан бир қаторда толстойчилик оқимида асос солган файласуф сифатида ҳам тарихда из қолдирган. “Толстойнинг қарашлари унинг “Тавба”, “Менинг эътиқодим нимада?” “Крейцер сонатаси” асарларида баён қилинган бўлиб, катта ер эгаллиги ва миршаблик давлат ҳокимияти ўрнида озод, тенг ҳуқуқли деҳқонлар уюшмасини яратиш зарурлиги ғоясини илгари суради. Бу таълимотнинг асосий мазмунини жамият сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириш учун барча одамлар ўртасида меҳр-шафқат муносабатларини ўрнатиш, зулмга қарши куч ишлатмаслик, диний ва маънавий-ахлоқий камолот, солиқлар тўлашдан ва ҳарбий хизматдан бош тортиш ташкил этади. Толстойчиликнинг кенг оммага таъсир кучи бўлганлигини фаҳмлаган чор Россияси сиёсий ҳокимият идоралари кўп ҳолларда черков фатвоси билан унинг тарафдорларини мунтазам таъқиб этганлар ва Сибирга сургун қилганлар”<sup>22</sup>. Қизиғи шуки, Лев Николаевич оқимнинг асосчиси бўлса-да, унинг ижтимоий келиб чиқиши ва бутунжаҳон миқёсдаги мавқеини ҳисобга олиб, граф сургун қилинмаган. Бироқ унинг издошлари, шу жумладан, асарда иккинчи даражали персонаж, Толстойнинг Булгаковгача бўлган котиби Николай Гусевни Сибирга сургун қилинган. Асарда ушбу воқеа ҳақида эслатиб ўтилади. Шунда Булгаков бироз ўйлаиб, “Сургун бу русларнинг буюк одати. Рус қалби худди кўм-кўк пўлатдек Сибирда тобланади”, – деган иборани таъкидлайди. Бу сиёсий ва мафкуравий ҳодисасининг бадиий талқини бўлиб, русларнинг энг кўп қўллайдиган жазоси сургунлигини, сургунда агар вафот этиб қолмаса, унинг руҳи

<sup>22</sup> <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-69553-1.html?page=3>

тобланишини, янада мустаҳкамланишига ишорадир. Бу тарихий факт ўзбекларни ҳам четлаб ўтмаган. Совет тузуми ўрнатилаганидан кейин ҳам Сталин репрессиялари давомида йирик фигуралар, давлат арбоблари, илғор ғояли кишилар Сибирга сургун қилинганлиги тарихий факт. Жей Парини фикри теран Булгаков тилида бу гапни бадиий ифодалай олган. Булгаков, ўз навбатида, Толстойга содиқ издош эканлигини, сургундан ҳам кўркмаслигини шу ўхшатиш орқали ифодалайди.

Иккинчи мисолда Булгаков Толстойнинг ижод этадиган хонасида турган стол ва стулни меҳробга ҳамда кудратли отга ўхшатган. Булгаков биринчи марта Ясная Полянадаги именьега келгач, ҳамма ёққа назар солади, хоналар, предметлар ва ҳоказолар. Тостой хонасига киргач уни хаяжон босади. У хонани кўздан кечириб, ўртада турган столга эътибор қаратади. Иш столи нафис, ўймакорлик услубида ишлов берилган бўлиб, оёқлари қалин, котиб нигоҳида меҳробга ўхшаб кетар эди. Ёзувчининг ижод жараёнида столга эгилишини эътиқод қилувчининг сиғинишга ўхшагани учун муаллиф айнан шу метафорани қўллайди. Секингина столни қўли билан сийпалаб, стулнинг устига ўтирганда Булгаков ўзини йирик, кучли отга минган-у, чавандозни буйруғига қарамасдан от югуриб кетадигандек ўзини ҳис этади. Ушбу тасвир орқали Толстойнинг ижод олами, яратган эпопеялари, роман ва ҳикояларининг ортида нафақат машаққатли меҳнат, балки ёзувчининг улуғвор даҳоси, черага билмас тафаккурига ишора қилингани аён.

Жей Паринининг “Сўнгги бекат” биографик романининг стилистик таҳлили шуни кўрсатадики, муаллиф ўхшатишлардан жуда унумли ва маҳорат билан фойдаланган. Ўхшатишлар гуруҳларга бўлиниб, статистик таҳлил қилинганда, ушбу троп ҳар бир қаҳрамон тилида қуйидагича ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин.

| №  | Қаҳрамон исми             | Сони | Табиатни тасвирловчи ўхшатишлар | Характерни тасвирловчи ўхшатишлар | Турли мавзудаги ўхшатишлар |
|----|---------------------------|------|---------------------------------|-----------------------------------|----------------------------|
| 1. | Софья Андреевна           | 53   | 3                               | 42                                | 8                          |
| 2. | Валентин Булгаков         | 43   | 4                               | 29                                | 10                         |
| 3. | Саша (Александра Львовна) | 22   | 4                               | 17                                | 1                          |
| 4. | Владимир Чертков          | 12   | 1                               | 8                                 | 4                          |
| 5. | Доктор Маковитский        | 14   | 0                               | 10                                | 4                          |
| 6. | Жей Парини                | 2    | 1                               |                                   | 1                          |
| 7. | Лев Толстой               | 1    | 0                               | 1                                 | 0                          |

Ҳар бир статистик рақам қаҳрамон тилидаги ўхшатишлар частотасини кўрсатади. Софья Андреевнага хос ижодкорлик, Булгаковга хос самимий муносабат, Чертковдаги иккиюзламачилик, Сашадаги отасига чексиз муҳаббат ва эҳтиром, Душан Маковитскийдаги докторларга хос совуққонлик каби хислатлар уларнинг нутқида келтирилган ўхшатишлар орқали намоён бўлган.

Умуман олганда, персонажларга хос эмоционалликни (романтик, объектив, кучли характерли, бўйсунувчан, эргашувчан) ва психологик

ҳолатни (жаҳлдор, кизиққон, муҳаббат ёки нафрат билан муносабатда бўлишини) ҳамда уларнинг маънавий дунёсини яратишда ўхшатишлар кучли бадиий восита сифатида хизмат қилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Майкл Каннингҳемнинг биографик роман соҳасидаги тажрибалари ва транстекстуал муносабатлар”** деб номланиб, унда “The Hours” (1998) асар сюжети трихотомияси, постмодерн асардаги гипертекст, интертекст, метатекст каби транстекстуал муносабатлар ҳамда рамзийлик масалалари тадқиқ қилинган.

Каннингҳемнинг таъкидлашича, у Виржиния Вульфнинг машҳур “Mrs. Dalloway” асарининг дастлабки номи “The Hours”ни ўзлаштирган ва жуда кўп тарафлама ижодий плагиатдан фойдаланган<sup>23</sup>. Шу йўл орқали “Mrs. Dalloway” романининг замонавий кўринишини яратган. Дарҳақиқат, ҳар икки асарда универсалияларни кузатиш мумкин. Буни параллель образлар, параллель бадиий техника, баён услубида яққол кўриш мумкин. Бироқ Каннингҳем асарининг уникалиги унинг жанрида – постмодерн биографик роман шаклида яратилганлигидадир.

Анъанавий биографик романлар объектив дунёқараш билан бирга факт ва тарихийлик принциплар асосида яратилган бўлса, бу асарда тамомила бошқача ёндашувни кузатиш мумкин. Ҳар бир персонаж субъектив муносабатни ифодалайди. Асарнинг сюжети рассомчиликда қўлланиладиган “триптих”<sup>24</sup>ни эсалатади. Асар муқаддима ва йигирма икки бобдан иборат. Сюжет параллель ривожланадиган уч чизикдан иборат. Романнинг пролог қисмида 1941 йилда Виржиния Вульф ҳаётининг сўнгги дақиқалари, ўзини дарёда чўктириб, жонига қасд қилиш воқеаси тасвирланган. Уч чизикдан иборат сюжетда эса Вульфга алоқадор шахслар билан бир кун мобайнида содир бўлган воқеалар баён этилган. Шахслар Виржиния Вульфга том маънода алоқадор (яъни адибанинг қариндошлари ёки дўстлари эмас) деб айтиш нотўғри. Бу алоқадорлик *биографик маълумотларда, ёзувчи рецепциясида ва китобхон рецепциясида* ўз ифодасини топган. Буни сюжет чизиклари номларидан ҳам англаш мумкин.

Дастлабки биографик чизик “Mrs. Woolf” деб номланиб, унда ҳаққоний тарихий шахс Виржиния Вульф ҳаётидаги бир кун – “Mrs. Dalloway” романини ёзишни бошлаган кун тасвирланган. Хронотоп – Англия, Ричмонд шаҳри 1923 йил. Сюжетнинг бу чизигида ёзувчи Виржиния Вульф руҳий жиҳатдан бетоблигида тасвирланган. Шундай бўлса-да, у бадиий ижод билан ўзини ифодалашга уринади. Натижада Вульф кўп қиррали, модернизмга асос бўла олган, психологик жанрни юқори чўққига олиб чиққан, феминизм, фрейдизм, дарвинизм, антиколониялизм ғояларини ўзида бирлаштира олган экспериментал асарнинг дастлабки саҳифаларини яратади. Мана шундай

<sup>23</sup> Lackey M. Truthful conversations with American biographical novelists. – New York: Bloomsbury, 2014. – P. 95.

<sup>24</sup> Триптих (юнон. triptychos — уч қават, уч букланган) – умумий бадиий ғоя, мавзу ёки сюжет билан бирлашган уч қисмдан ташкил топган тасвирий санъат асари (картина, рельеф ва шу каби). Термин муаллиф томонидан сюжетини таърифлашда “The biographical Novel and the Complexity of Postmodern Interiors” номли суҳбатда қўлланилган. (Lackey M. Truthful conversations with American biographical novelists. – New York: Bloomsbury, 2014. – P. 91.)

пафосни Каннингҳем “бир кун”га сиғдиришга, Вульф ижоди ва рухий кечинмаларини ўз призмасидан қайта ўтказишга муваффақ бўлган.

Иккинчи сюжет (ёзувчи-ижодкор рецепцияси) “Mrs. Dalloway” деб номланган. Хронотоп – Нью Йорк, 1999 йил. Бу чизикнинг асосий қаҳрамони Кларисса Воган. Унинг ҳаётидан олинган бир кун тасвирланган. Асарнинг бу қисмига Виржиния Вульфнинг шу номли асарига пастиш деб қараш мумкин. Чунки бу чизикдаги қаҳрамоннинг исми Кларисса Воган бўлиб, аёл “Mrs. Dalloway” романидаги бош қаҳрамон Кларисса Дэллоуэйнининг замонавий кўринишидир. Биографик романнинг бу сюжет чизиғида ҳам Каннингҳем Кларисса ҳаётининг бир кунини тасвирланган. Шунингдек, ўхшаш деталь, эпизод ва персонажларни ҳам кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан олиб қараганда Вульф ижодидан таъсирланган биограф унга ўхшатиб образ яратишга, пародия қилишга, бирламчи асаридаги характерларни янги контекстга кўчиришга, реципиент ижодкор сифатида уринган.

Учинчи сюжет чизиғи (китобхон рецепцияси) “Mrs. Brown” деб номланади ва унда 1949 йил Лос Анжелесда яшовчи Мисис Браун ҳаётдан олинган бир кун тасвирланган. Бу персонаж Виржиния Вульфга китобхон сифатида боғланган. Бу чизикда ёш болали ва иккинчи фарзандига ҳомиладор аёлнинг “Mrs. Dalloway” романини ўқишни бошлаган куни ва кун давомида содир бўлган воқеалар тасвирланган. Асарнинг айнан шу қисми интертекстуал воситалар ёрдамида шакллантирилган бўлиб, Каннингҳем романини ўқиган китобхон Вульф ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Қуйидаги 2-диаграмма асар трихотомиясини тасвирлаб, хаотик ривожланадиган ҳар бир сюжет чизиғининг кульминацион нуқтасини намоён этилади.

Шунингдек, бобда “The Hours” асарида муаллиф томонидан қўланилган матнлараро транстекстуал муносабатлар ҳам таҳлилга тортилган. **Транстекстуал** термини француз назариячиси Жерард Женет (1930-2018) томонидан муомалага киритилган<sup>25</sup> бўлиб, матнлараро боғлиқликни назарда тутди. С.Зенкин (2000), В.Балабин (2008) таснифлари<sup>26</sup>га кўра транстекстуал термини умумлаштирувчи сўз гипероним бўлиб, интертекст (цитата, плагиат, аллюзия), паратекст (асар номи, қўшимча сарлавҳа номи, эпиграф, изоҳ), метатекст (танқидчи ва китобхонларнинг талқини ва ҳукми билан алоқадорлик), гипертекст (трансформация, пародия, тақлид, адаптация), архитекст (матнларнинг жанрий алоқаси) каби гипонимларни ўзида бирлаштиради.

Бундай лингвистик ҳодиса нафақат продуцентлар орасидаги текстуал алоқадорликни, балки муаллиф ва адабий ҳодисани ҳам назарда тутди. Адабий ҳодиса деганда, биз мақол, архетип, услуб ва ҳ. каби тушунчаларни назарда тутамиз. Ушбу матнлараро боғлиқликнинг бир неча кўринишини Майкл Каннингҳемнинг “The Hours” романида кузатиш мумкин. Муаллиф


<sup>25</sup> Зенкин С.Н. Введение в литературоведение. Теория литературы. – Москва, 2000. – С. 70.

<sup>26</sup> Зенкин С.Н. Введение в литературоведение. Теория литературы. – Москва, 2000. – С. 70. Балабин В. Метатекстуальность и интертекстуальность в исследовании дискурса. // [https://www.vestnik.mgimo.ru/jour/article/view/2814/2316?locale=ru\\_RU](https://www.vestnik.mgimo.ru/jour/article/view/2814/2316?locale=ru_RU).


асарга турли стилистик техника ва воситалар ёрдамида транстекстуалликни ҳосил қилган.

2-диаграмма

“The Hours” биографик романининг хаотик сюжет траекторияси



Сюжет трихотомиясидаги ҳар бир чизикнинг кульминацион нуқтаси схемаси



“Соатлар” асарининг “Mrs. Dalloway” сюжет чизиғида дастлабки матн билан алоқадорликни **паратекст** ва **гипертекст** мисолида кузатиш мумкин. Сарлавҳалардаги параллелизм паратекстни ҳосил қилган бўлса, асарнинг бу сюжет чизиғи **Виржиния Вульфнинг “Дэллоуэй хоним” романига пастиш** (гипертекстнинг бир кўриниши) шаклидаги тақлид ҳам. Асар бош қаҳрамонларининг исмларидаги ўхшашлик – **Кларисса Дэллоуэй (Вульф)** ва **Кларисса Воган (Каннингҳем)**, бош персонажлар табиатидаги универсалиялар – ҳар икки Кларисса гулларни севадиган, мафтукор ва дидли, мулойим аёллар; иккинчи даражали персонажлар – **Септимус (Вульф)** ва **Ричард (Каннингҳем)** – иккиси ҳам руҳий касал; **Мисс Дорис Килман (Вульф)** ва **Мэри Кралл (Каннингҳем)** – иккиси ҳам ўз ўқувчиларининг онаси Клариссаларга танқидий муносабатда; воқеалардаги ўхшашликлар – жонига қасд қилиш, тадбир ташкил этиш, ретроспектив воқеалар: болаликдаги хотиралар ва б. асарда мураккаб эклектик матний муносабатларни ҳосил қилган.

Шунингдек, ҳар икки асарда бир-бирини такрорловчи деталлар, ибораларни кузатиш мумкин. Масалан, асарлар бошланишидаги иккала Кларисса репликасидаги универсаллик.

*“Mrs. Dalloway said she would buy the flowers herself.”<sup>27</sup>*

*“There are still the flowers to buy. Clarissa feigns exasperation (though she loves doing errands like this)...”<sup>28</sup>*

Дэллоуэй хоним ҳам, Воган хоним ҳам ўз бўлғуси тадбири учун гуллар сотиб олишни режалаштиган. Ҳар иккиси ҳам ғайратли, ва бу ролда ўзларини

<sup>27</sup> Woolf V. Mrs. Dalloway. – Mariner Books, 1990.//<https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.93420/page/n13>

<sup>28</sup> Cunningham M. The Hours. – New York, 2002. – P.18.



бахтиёр хис қилишади. Ҳаётдаги мақсадлари ҳам шундан иборатдек. Иккиси ҳам нозик дид эгаси, уй-рўзгор ишларини бошқаришда мукамал аёллардир.

Шунингдек, романда ўзига хос **метатекст** ҳодисасини кузатиш мумкин. Муаллиф “Mrs. Woolf” сюжет чизиғида асар ичида асар яратилиши техникасини кўллайди. Бу техника метапроза, метанарратив терминлари билан ҳам номланади<sup>29</sup>. Каннингҳем гипотект (“Mrs. Dalloway” романи)ни яратилишининг ҳар бир жараёнини ва тарихини учинчи шахс номидан парда ортида кузатиб, шарҳлаб турган кўринмас муаллиф сифатида баён этган. Матнда муаллиф ўзини намоён қилмаса-да, асар ичида асар яратилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бирламчи муаллиф Каннингҳем иккиламчи муаллиф Вульф образини яратиб, унга метақаҳрамон (баён этиб берувчи образ) вазифасини юклайди. Натижада китобхон Вульфнинг ҳар бир қаҳрамон ёки иборани танлашига, шарҳлашига, муносабат билдиришига, ижод жараёнига гувоҳ бўлиб боради. Шу жараёнда Каннингҳем Виржиния Вульф асаридан парчалар келтириб, ҳар бир воқеага асос бўлиши мумкин бўлган сабаб ва оқибатни худди ҳақиқатда бўлгани каби сўзлаб беради.

*“Mrs. Dalloway said something (what?), and got the flowers herself. (...)*

*Virginia awakens. This might be another way to begin, certainly; with Clarissa going on an errand on a day in June, instead of soldiers marching off to lay the wreath in Whitehall. But is it the right beginning? Is it a too ordinary? (...) Writing in that state is the most profound satisfaction she knows, but her access to it comes and goes without warning. She may pick up her pen and find that she merely herself, a woman in a housecoat holding a pen, afraid and uncertain, only mildly competent, with no idea about where to begin or what to write.*

*She picks up her pen.*

*Mrs. Dalloway said she would but she flowers herself<sup>30</sup>.*

Виржиния Вульф навбатдаги модернистик романини яратишга киришишидан олдин уйқу аралаш бир ҳолатда бўлғуси бадиий персонаж Клариссанинг илк сўзларини қай тарзда ифода этиши мумкинлигини ўйлаб ўйғонади. Каннингҳем сюжет чизиғини қуйидагича бошлайди. Уайтҳолл (Лондондаги Британия ҳукумати жойлашган марказий кўча) атрофида марш қилиб гулчамбар қўйган аскарлар тасвири ўрнида Виржиния бош қаҳрамон Клариссанинг бирор бир юмуш билан уйдан чиқишга отланишини тасвирлаш мумкин деган хаёл суради. Виржиния ўзига-ўзи савол бериб фикрлашни, бир саҳна ўрнига иккинчи саҳнани кўйишни тарозига сола бошлайди. Остига чизилган матн бўлагида муаллиф метатекст ёрдамидан фойдаланган. Метатекст бадиий ижоднинг бошланиш нуқтаси, хаёл ва фантазиялар мияда айланиб, чархланиб бориб, бир фикрга келиш жараёнини ифодалайди. Биографик асарда ижод жараёнини мета орқали тасвирлаш ёрдамида биограф китобхонни ўтмишга “телепортация” бўлишига кўмаклашади. Бир даврдан иккинчи даврга кўчиб, қаҳрамон билан ҳамнафас замондошга айланади. Кейинги гаплар Каннингҳемга тегишли. Уларда ижодий жараёнга старт берилган бир палла тасвирланган. Бу сўзлар транстектуал кўринишдаги

<sup>29</sup> Баринаова Е. Е. Метатекст в постмодернистском литературном нарративе (А. Битов, С. Довлатов, Е. Попов, Н. Байтов). Дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь, 2008. – 248 с.

<sup>30</sup> Cunningham M. The Hours. – New York, 2002. – P. 29, 35.

гаплар эмас. Чунки Каннингхем ўз позицияси орқали ижодий жараёни тасвирлайди. Вульф уй кийимларида, пардозсиз бир ҳолатда қаламни қўлга олиб, илҳомнинг бир пасда учиб кетиши мумкинлигини тушунган бир паллада ижодга киришиб, “Дэллоуэй хоним” асарининг дастлабки қаторини яратади. Парчадаги курсив билан ажратилган гап интертекстуал бўлиб, гипотекстдан олинган цитата эканлиги билан изоҳланади.

Каннингхемнинг “Соатлар” романида *интертекстуал* бирликлар асарнинг тўлиқ матнида учрайди. Булар Вульф ўлимидан олдин турмуш ўртоғи Леонард Вульфга ёзиб қолдирган мактубининг оригинали (асарнинг пролог қисмида уни тўлиқ ўқиш мумкин), аллюзиялар (“Mrs. Dalloway” сюжет чизиғида, айниқса, кўп учратиш мумкин) ва цитаталар. Биз, асосан, “Mrs. Brown” сюжет чизиғидаги цитаталарга эътибор қаратдик. Лора Браун асардаги учинчи аёл образ бўлиб, у орқали китобхон Виржиния Вульфнинг “Mrs. Dalloway” асарини ўқиш, тушуниш жараёнига жалб қилинади. Сюжет чизиғи (гипертекст)да оригинал асардан кўплаб цитаталар, йирик парчалар келтирилиб, уларга китобхон (Лора Браун) нуқтаи назаридан изоҳ берилган.

Лора Браун 1949 йилнинг июнь ойидаги – асарда белгиланмаган – бир куни эрталаб уйғониб, Вульфнинг “Mrs. Dalloway” романидаги дастлабки сатрларни ўқишини бошлайди. Каннингхем гипотекстдан ўз асарига цитата келтиради.

*“Mrs. Dalloway said she would buy the flowers herself.*

*For Lucy had her work cut out for her. The doors would be taken off their hinges;*

*Rumpelmayer’s men were coming. And then, thought Clariss*

*a Dalloway, what a morning — fresh as if issued to children on a beach.*

It is Los Angeles. It is 1949”<sup>31</sup>.

Курсивдаги матн парчаси Каннингхем томонидан ажратилган. Лора уларни ўқиб, ўз ҳаётдан бадиий оламга, яъни ўзини бахтиёр сезадиган, турмушга чиқишдан олдин китоб “жинниси” бўлган давридаги ҳаётига қайтишга тайёр эди. Бу ҳолатни Каннингхем “by gaining entry into a parallel world” (параллель оламга) перифразаси орқали ифодалайди. У ҳозирги ҳаётдан чиқиб олиш учун китобга шўнғийди. Шунда хонасида ўзини ёлғиз сезмайди. Ҳаёлан китобдаги образ ва қаҳрамонлар жонланади. Энди адабий қаҳрамон Дэллоуэй гулларни сотиб олишга кетаётган эди. Каннингхемнинг маҳорати ўз қаҳрамонининг психик ҳолатини лўндагина, гипотекстдан олинган цитаталар ёрдамида чизиб бера олишида. Унинг ўзи бадиий қаҳрамон, бироқ бу қаҳрамон олдинги бадиий персонаж (Деллоуэй хоним)ни улуғлайди. Дэллоуэйни билган реал китобхон, Лорани яхшироқ тушунади. Бундай иллюзия, ўйин натижасида бадиий образ ёрдамида бадиий образ шакллантирилган. Матнлараро кўприк, боғлиқлик, интертекстуаллик шу жараёнда ҳосил бўлган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Лайла Лалами ижодида биографик саргузашт жанрининг космополитик ўзига хослиги**” деб номланиб, унда ёзувчининг “Қора занжи ҳисоботи” (2015) номли асари структур ва стилистик таҳлилга тортилган. Олиб борилган тадқиқотлар шуни

<sup>31</sup> Ibid., P. 37.

кўрсатадики, “Қора занжи ҳисоботи” романи тарихий-биографик жанрга мансуб бўлиб, асосий воқеалар тарихий шахс Эстебанико (испанча исми), яъни Мустафо ибн Муҳаммад ибн Абдуссалом ал-Замори (асл арабча исми) тилидан баён этилган. У марокашлик сайёҳ бўлиб, Шимолий Америкага қадам босган, келиб чиқиши бербер бўлган дастлабки шимолий африкалик шахс. Уни 1521 йилда қул қилиб, испаниялик зодагонга сотишган. Эстебанико 1527 йилда Флориданинг европаликлар қадами етмаган жойлари ва Шимолий Мексикани мустамлакага айлантириш мақсадида Нарваэз деб номланган испан экспедициясида олиб кетилган. Уни “Америкага келган биринчи буюк африкалик”, деб ҳам аташади”<sup>32</sup>. Бугунги кунда мавжуд манбаларда ал-Заморининг туғилган жойи, ота-онаси, оила аъзолари ҳақида маълумот деярли сақланиб қолмаган. Бироқ ўн олтинчи асрга дахлдор кўплаб Америка ҳамда Европа тарихчилари ва сайёҳларининг ишларида у ҳақида ёзиб қолдирилган маълумотлар мавжуд<sup>33</sup>. Бу ҳақида Лайла Лалами асарининг муқаддимасида<sup>34</sup> ҳам эслатиб ўтади.

“Қора занжи ҳисоботи” асари муаллифи Лайла Лалами Мустафо ал-Замори тўғрисидаги биографик маълумотлар чекланганлиги боис унинг шахсияти, оила аъзолари тавсифида бадиий тўқимага мурожаат қилган. Ёзувчи, асосан, Марокашнинг ўн олтинчи асрдаги тарихи, сиёсий воқеалари, ижтимоий аҳволи, миллий кадриятларига таяниб, тарихий шахс образини ўша давр одамларига хос жиҳатларнинг умумлашмаси асосида яратган. Тарихий-биографик асар архитетоникаси ўзига хос бўлиб, текис ривожланиб борадиган сюжетга эга эмас. Зеро, роман Лайла Лалами ижодига хос бўлган воқеа баёнини драматик нуқтадан бошлаш ва ўқувчининг диққатини энг қизиқарли – сабаб ва оқибатни белгилаб берувчи коллизия воқеага йўналтирувчи вазиятга жалб қилиш техникаси асосида қурилган. Тарихий-биографик асар композицияси чизмаси (3-диаграмма) “думи” чўзик “Z” ҳарфини эслатади.

Бобда шунингдек, асардаги интертекстуал воситалар талқин қилинган. Лалами асарда нафақат европаликлар, балки бошқа этник гуруҳлар ҳаёти билан боғлиқ хотираларни бадиий ва экспрессив воситалар ёрдамида, тарихийлик мезонига асосланиб тасвирлаган. Бу билан уларнинг ўз овози ва шахсиятига эгаллигини таъкидлаган. Асардаги космополитизм шу ўринда намоён бўлган.

Л.Лалами асарда 1-шахс нарратологик техникасидан фойдаланган. Шу асосда қора танлилар ирқига мансуб кишилар ҳам шахсий фикри, ўз дунёқараши ва нуқтаи назарига эгаллигини, Нарваэз экспедициясига муносабат билдира олишга ҳаққи борлигини реал кўрсатишга уринган. Асарда шарқ менталитетига, марокашлик араблар – берберларга хос миллий колорит ва этномаданий хусусиятлар образли ифодасини топган. Айни ўринда асарда мақоллар, ҳикматли сўзлар ва иборалар, марокаш халқ


<sup>32</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Mustafa\\_Azemouri](https://en.wikipedia.org/wiki/Mustafa_Azemouri)

<sup>33</sup> Parish, Helen Rand. Estebanico. – New York: Viking Press, 1974. – 128 p.; Herrick, Dennis. Esteban: The African Slave Who Explored America. Albuquerque: University of New Mexico Press, 2018. – 304 p. MacDougald, James. The Pánfilo de Narváez Expedition of 1528: Highlights of the Expedition and Determination of the Landing Place. St. Petersburg: Marsden House, 2018. – 240 p.

<sup>34</sup> Lalami, Laila. The Moor's Account. – United Kingdom: Penguin Books, 2015. – P.3.

ижодига хос эртақни замонавий бадиий матнга – тарихий-биографик асар тўқимасига киритиш орқали интертекстуал матн яратилганлигини ҳам қайд этиш лозим.

3-диаграмма



Интертекстуал воситалар матнга универсал структура асосида киритилган бўлиб, ҳар бири *The elders teach us:...* (Қариларнинг айтишича...) каби такрорланадиган кириш гап билан бошланади. Кириш гапдан сўнг келадиган паремия (мақол, ҳикматли сўз), реминисценция ва цитаталарни “микроскопик” тадқиқ қилсак, ҳар бирининг замирида кучли ғоявий қарашлар ётганлиги аёнлашади.

Асарнинг ўн биринчи “The story of the rafts” деб номланган бобида Лалами “The elders teach us: we all belong to God, and to Him we return”<sup>35</sup>, – деган цитатани қўллайди. Ушбу цитата “Қуръон”дан олинган бўлиб, интертекстуал восита сифатида асарда тасвирланган кучли драматик воқеага изоҳ бериш учун қўлланилган. Асл манбаси “Қуръон”и карим бўлган мазкур цитата “Бақара” сурасининг 156-оятда берилган “Албатта биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва, албатта, биз У Зотга қайтгувчилармиз”<sup>36</sup> (араб тилида: “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи ражиюн”) жумласининг инглизча таржимадаги ифодасидир. Одатда, бу оят мусулмонлар томонидан диндоши дунёдан ўтганда ёхуд бирор кишининг бошига кулфат тушганини этганлиги ҳақида нохуш хабар эшитилганда айтилади. Оллоҳ иродасига қарши чиқмаслик, у инъом этган тақдирга тан бериш лозимлиги учун ўз қариндоши ёки яқинидан айрилган мусулмон биродарларига сабр-бардош тилаб, зикр этилади.

Асарда ушбу исломий ибора даҳшатли воқеа – овқатни тақсимлаб берувчи кема аъзосининг узоқ сувсизликдан сўнг денгиз сувини флягага тўлдириб олиб, бир нафасда ичиб кўйгач, бир соат оралиғида кучли қалтирашдан жон беришидан кейин қўлланилган. Айни пайтда, қул Эстебанико жон таслим қилган кишининг сафар бошиданок ўта такаббурлигини ва очкўзлик қилганини эслайди. Чунки тириклик чоғида бу одам Эстебанико сув олиш учун рухсат сўраганида эвазига ундан маҳаллий

<sup>35</sup> Lalami, Laila. *The Moor's Account*. – United Kingdom: Penguin Books, 2015. – P. 76.

<sup>36</sup> Қуръони азим. Мухтасар тафсири. Шайх Алоуддин Мансур. – Тошкент: Movarounnahr, 2020. – Б. 66.

ҳиндулардан олган пичоғини талаб қилган эди. Вафот этгандан сўнг мурданинг белидаги бу пичоқ на уни тирилтира олади, на бирор фойда келтиради.

Асарнинг асосий ғояси инсонпарварлик бўлиб, унда Оллоҳга эътиқод, тақдирни қабул қилиш, дунёнинг ўткинчи эканлиги айнан шу эпизод ва уни яқунловчи “Қуръон” оятида битилган чуқур фалсафий маънода ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, ёзувчи танлаган исломий ибора ва уни ўринли қўллаш орқали инсон ўткинчи дунёда меҳмон саналиши, тақдир синовлари ва уларга сабр қилиш орқали Яратганнинг ҳузурига бориши илоҳий ҳақиқат эканлигига китобхонни ишонтира олган.

Ҳар бир цитата, мақол асарда бўлиб ўтган воқеани хулосаловчи, сабаб ва оқибатини лўнда қилиб, ихчам шаклда акс эттирувчи, воқеага турли миллатлар дунёқараши баробарида Марокаш халқи, араблар менталитети асосида баҳо берувчи вазифани бажаради.

Диссертациянинг тўртинчи бобида асардаги стилистик воситалар ҳам таҳлилга тортилган. Муаллиф тарихий ва биографик маълумотларни бадиий асар қолипига солиш жараёнида асар тилини фонетик, лексик, синтактик, стилистик воситалар ёрдамида бойитиб, эстетик бўёқдорлигини оширган.

| Анафора, параллель курилма ва градациянинг чизмадаги кўриниши                                 |   |   |   |   |   |   |   |   |                            |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----------------------------|
| Over the next ten days, this became a <i>refrain</i> among the men.                           |   |   |   |   |   |   |   |   |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>the thief will be punished.</u></b>                             | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | Маънонинг кучайиш даражаси |
| When we reach Apalache, <b><u>the Indians will offer no resistance.</u></b>                   | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>there will be plenty of food to eat and water to drink.</u></b> | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>there will be time to rest.</u></b>                             | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>we will build a settlement.</u></b>                             | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>we will be made sergeants.</u></b>                              | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>we will receive one bag of gold and two of silver.</u></b>      | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>my master will be rich.</u></b>                                 | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |
| When we reach Apalache, <b><u>I will be free.</u></b>   | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ | ↕ |                            |

Мисол учун асарда қўлланилган стилистик конвергенцияни кузатиш мумкин. Кўп такрорланиб турувчи параллель курилмалар асар лейтмотивини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Асарнинг “The Story of the March” деб номланган учинчи бобида буни яққол сезиш мумкин. Анафора билан бошланадиган гапларнинг тузилишида параллелизмнинг вазифаси янги ерлар – ҳиндулар ўлкасида адашиб қолган испанлар ва Мустафонинг ички ҳиссиётини таъкидлашдир. Экспедиция Апаллачи тоғ тизмаларига олтин излаб бораётиб, йўлдан адашгач, очлик исканжасида ўлим билан юзлашган

ҳар бир аъзонинг қалбида умид ҳисси ўша етиб бўлмас шаҳарга боғланиб қолади. Асарнинг бош қаҳрамони – Мустафо бу вазиятга шахсий муносабатини билдиради. Бунда эътиборли жиҳати, қаҳрамоннинг баҳоси ифодаланган қурилмада “When we reach Apalache...” анафораси “refrain” (нақарот) даражасига кўтарилганлигидир. Қуйидаги чизма вазиятнинг аниқроқ тасвирини [мисол асарнинг 36 бетидан олинган] ва муаллифнинг ҳолатга муносабатини янада аниқ акс эттириш имконини беради.

Насрий матнда ушбу гапларда анафоранинг ҳар бир сатрда қайтарилиб, иккинчи қисм мазмуни билан тўлдирилиши янги қирра билан бойитилган фикрнинг шеърий ифодасини ҳосил қилган. Анафорали параллель қурилмалар кетма-кетликда, олдинги гап (фикр)дан кейинги гап (фикр)га йўналишида ўсиб, кучайиб борувчи мазмун яхлитлигига эга. Бу сирада биринчи гапнинг контекстуал маъноси кейинги гапларга нисбатан кучсиз бўлса, градациянинг охирида турган тўққизинчи гап маъноси кучайиб, кульминацион даражага етган. Даражаланишнинг юқори босқичини ташкил этган қурилма мазмуни орқали Мустафонинг энг буюк орзуси – озодлик концептига урғу берилади. Аниқроқғи, асарнинг бош ғояси – инсон озодлиги ва шахс эркини қадрлаш, қул қилинган қора танлиларга шахс сифатида муомала қилиш лозимгини таъкидлашдир. Муаллиф матнда стилистик конвергенция (анафора, параллель қурилма, градация) ёрдамида вазиятга ўз муносабатини билдиришга (модаллик категорияси), драматизмни кучайтиришга (пафос) ҳамда бадиий ғоя (ядро)га урғу беришга эриша олган.

## ХУЛОСА

1. Замоनावий америка адабиётида постмодернизм оқими плюралистик, космополитик ғояларни илгари суриб, классик адабиёт нормаларидан оғиб, экспериментал ижодни устун қўяди, ҳар бир ёзувчининг индивидуал ва эклектик ўзига хослигини кўллаб-қувватлайди. Постмодерн адабиёти вакиллари ижодида турли мазмуний ва услубий эркинликни, жанрлар трансформацияси ва янги кўринишини яратишга мойилликни кузатиш мумкин.

2. Постмодернизмнинг вужудга келиши ва тараққиёти омиллари сифатида XX асрда содир бўлган турли сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар, кадриятлар алмашинуви, ғоялар плюралиزم ва илм-фаннинг тараққиётини санаб ўтиш мумкин.

3. Америка адабиётида биографик роман постмодернизм оқими таъсирида ўз формал қолиплари ва тараққиёт траекториясини ўзгартириб, объектив фактларга асосланганликдан субъектив муносабат ва замоनावий талқин томон ўзгарган. Биографлар тарихий прототип ҳаётида содир бўлган воқеаларга урғу бериш ўрнига замоनावий муносабат билан бойитилган, персонаж руҳиятини ва ички оламини тушунишга йўналтирилган асарларни яратиш келаётганлиги кузатилади. Жанр ибтидосидаги прототипга юксак эҳтиром, буюклик, яратувчанлик каби фазилатларни ёритиб берувчи муносабат ўрнига биографик асар бош қаҳрамони оддий инсон даражасида

тасвирланиши, ёки аксинча, оддий инсонни буюклик даражасига кўтариш каби муносабатни кузатиш мумкин. Ёзувчилар услубида киноявийлик, истехзо каби акцент устуворлик қилади.

4. Антик адабиёт давридан адабиётшунослик ва тилшуносликни боғлаб турган поэтика муаммоси (риторика ва стилистика билан боғлиқликда) постмодерн биографик романи комплекс тушунишга, асарларнинг ғоявий-мазмуний, образли(стилистик воситалар), структур (сюжет), муаллиф муносабати каби ҳодисаларни таҳлил қилиш имконини яратади.

5. Америка ёзувчиси Жей Парини ижодида биографик роман яратиш тенденцияси устун эканлигини кузатиш мумкин. Ижодкор орттирган тажрибаси натижасида жанрга оид концепцияни ишлаб чиққан ҳамда постмодерн биографик романларда субъективизм рассомчиликдаги “кубизм” шаклида ўзи ифодасини топишни назарий асослаган. Шу сабаб унинг рус ёзувчиси Лев Толстойга бағишланган “Сўнгги бекат” романида полифоник муносабат асар лейтмотивини шакллантиришда, унга турли ракурслардан қараш имконини яратишга кўмак берган. Воқеаларни хаотик кўринишда баён этиш, ретроспекция ва хотираларга берилиш техникалари ёрдамида муаллиф биографик романда концентрик сюжет ҳосил қилганлигини кузатиш мумкин.

6. Жей Парининг “Сўнгги бекат” асарининг ўзига хослиги шундан иборатки, унда ёзувчи доминант стилистик восита – ўхшатиш ёрдамида персонажлар характери ва ташқи кўринишини истехзоли чизгилар билан тасвирлаган, рус мамлакатига хос флора ва фаунани яратган ва романдаги ижод жараёни, рус менталитети, ҳаёт ва фалсафа каби феноменларга баҳо берган.

7. Америка ёзувчиси Майкл Каннингҳемнинг инглиз модернист ёзувчиси Виржиния Вульфга бағишлаган “Соатлар” романи поэтикаси таҳлили асарнинг постмодернизм оқими қоидаларига асосан яратилганлигини кўрсатади. Роман сюжети рассомчиликдаги триптих кўринишида яратилган. Асар сюжети трихотомияси хронотопни уч давр ва маконга ажратган. Натижада асар қаҳрамони ҳаёти ва ижодига XX аср боши, ўртаси ҳамда охири китобхони дунёқараши билан баҳо бериш имконияти яратилган. Асардаги полифонизм ва плюрализм сюжетнинг калейдоскопсимон турини яратган.

8. “Соатлар” биографик романидаги транстекстуал бирликлар таҳлили шуни кўрсатадики, асарда пастиш ёрдамида гипертекст, асар яратилиш тарихи баёни (метапроза) ёрдамида метатекст ҳамда “цитаталар мозаикаси” ёрдамида интертекстуаллик ҳосил қилинган. Бу асар матнининг фрагментар бўлишига сабаб бўлган.

9. М.Каннингҳем “Соатлар” асарида рамзлар ёрдамида Виржиния Вульфнинг аёл сифатида руҳий ҳолатини, ёзувчи қаламига мансуб “Mrs. Dalloway” асарининг 50-йиллар китобхонига таъсирини (Лора Браун ва торт мисолида), бугунги кунда аёл тимсоли ва унинг олам гўзаллигини тушунишини (Кларисса ва атиргуллар тимсолида), бугунги давр ижтимоий муаммоларини (Ричард ва кресло мисолида) символик тасвирлай олган.

10. Африка-Америка ёзувчиси Л.Лаламининг Америка қитъасига биринчи бўлиб келган тарихий шахс Мустафо ал-Заморига бағишланган “Қора занжи ҳисоботи” саргузашт-биографик романи поэтикаси таҳлили шуни кўрсатадики, бу асар замонавий АҚШда ирқий тенглик умуммиллий ғоясини илгари сурган. Асар қаҳрамони африкалик қора танли кул – тарихий шахс сифатида ўз овозига эга, тарихни ўз дунёқараши орқали баён эта оладиган инсон сифатида тасвирланган. Постколониал адабиёт намунаси сифатида, замонавий Америка сиёсий ва ижтимоий ғояларини акс эттирган бу асарни кулчилик давридан XX аср бошларида ирқий тенгсизлик ғояларига қарши даъват сифатида баҳолаш мумкин.

11. “Қора занжи ҳисоботи” асари архитекторникаси Марокаш миллий кадриятлари сирасига кирадиган ҳикоячилик (қиссачилик) анъаналари асосида қурилган бўлиб, ҳар бир боб бош қаҳрамон ҳаётида содир бўлган воқеаларни “...ҳикоя” сарлавҳаси остида биринчи шахс тилидан баён этилган. Воқеалар бирин-кетинликда болалик хотираларидан асосий тасвирланган даврга ўтиб турадиган ҳикоялар тизимидан ташкил топган. Хронологик тартиб бузилиб, сюжет чизиғида ўзгариб турадиган вақт маконни (Марокаш, Испания, Америка) ҳам ўзгартириб турган. Ўзгарувчан хронотоп асар сюжетини ранг-баранг воқеалар билан тўлдирган.

12. “Қора занжи ҳисоботи” асарида қўлланилган интертекстуал стилистик воситалар: аллюзия, цитата ва реминисценциялар таҳлили шуни кўрсатадики, Л.Лалами космополитик постмодерн адабиётида маҳорат билан миллий ўзига хосликни акс эттира олган. Ёзувчи асарда мусулмон, насроний ва маҳаллий ҳиндулар эътиқодлари уйғунлигини, Марокаш халқи кадриятларини, ривоятлари ва тарихини, турли мақол ва бошқа маданият кодларини матнга сингдирган.

13. “Қора занжи ҳисоботи” асарининг стилистик таҳлили шуни кўрсатадики, Л.Лалами романда метафора, метонимия, ўхшатиш, киноя ва сифатлашлари каби троплар, фонетик ва синтактик стилистик воситалар ёрдамида асар тилида образлийликни яратган, шарқ анъаналарига хос тилнинг гўзалигини намоён эта олган.



**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 AWARDED  
SCIENTIFIC DEGREES AT BUKHARA STATE UNIVERSITY**

---

**BUKHARA STATE UNIVERSITY**

**KHAJIEVA FERUZA MELSOVNA**

**POETICS OF THE BIOGRAPHICAL NOVEL IN AMERICAN  
POSTMODERN LITERATURE (IN THE EXAMPLE OF J.PARINI,  
M.CUNNINGHAM AND L.LALAMI'S WORKS)**

**10.00.04 – Language and Literature of Europe, America and Australia**

**Dissertation ABSTRACT  
for a Doctor of Science (DSc) in PHILOLOGY**

**Bukhara – 2022**

The theme of the dissertation for a Doctor of Science (DSc) in Philology was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2022.1.DSc/Fil.380.

The dissertation has been accomplished at Bukhara State University.

The dissertation abstract in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) has been placed on the website (www.buxdu.uz) of the Scientific Council and "ZiyoNet" Information and educational portal (www.ziynet.uz)

**Scientific advisor:**

**Mukhabbat Kayumovna Bakaeva**

Doctor of Science in Philology, Associate Professor

**Official opponents:**

**Qarshibayeva Uljan Davirovna**

Doctor of Science in Philology, Professor

**Jumabaeva Jamila Sharipovna**

Doctor of Science in Philology, Professor

**Michael Lackey (The United States of America)**

Doctor of Science in Philology, Professor

**Leading organization:**

**Uzbekistan State World Languages University**

The dissertation defense will be held on "19" September 2022 at 10<sup>00</sup> at the meeting of the Scientific Council awarding scientific degrees DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 at Bukhara State University (Address: 200118, Bukhara, M.Iqbol street, 11. Phone: (0365) 221-29-14; Fax: (0365) 221-27-57; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz).

The dissertation is available at the Information-resource center of Bukhara State University, (registration number 163). Address: 200118, Bukhara, M.Iqbol street, 11. Phone: (0365) 221-25-87

The dissertation abstract is distributed on "19" August 2022.

(Mailing report № 22-10 on "19" August 2022).



**D.S.Urayeva**

Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Philology, Professor

**Z.I.Rasulov**

Scientific Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor

**M.M.Juraeva**

Chairman of the Scientific Seminar under Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Philology, Professor

## INTRODUCTION (Dissertation abstract for a Doctor of Science (DSc))

**Topicality and necessity of the thesis.** From the second half of the 20th century to the present, in the history of world literature, attention has been increased to the issues of the genesis and the development of postmodernism. Meanwhile, the scope of poetic thinking in American and European literature changed. The emergence of innovative principles of artistic perception and depiction of the world, different from classicism, romanticism, and realism, in the literary process, not only enriched the verbal art with new ideas, themes, styles, tendencies, but also required the mutual transformation and synthesis of literary types and genres. In this sense, studying the poetics of the postmodern biographical novel in literature, analyzing its nature in the world literary context provides an opportunity to understand the postmodern biographical novel comprehensively, to assess its trans/intertextual essence scientifically, to interpret the figurative means of the verbal layer and the architectonics of the text structurally.

In the world literature, extensive studies of such issues as the ideological, structural, stylistic, symbolic features of the biographical works, their differences from purely literary works, and of the concept of biographical novel have been carried out along with the research of the canons of postmodernism. In American literature, such practices as decoding the ironic and sarcastic style of biographical novels, identifying rhetorical devices in the literary language, highlighting their contextual implications, and determining the idiosyncrasy and idiolect specific to the creator serves for demonstrating the kaleidoscopic, cosmopolitan, eclectic, transtextual, ventriloquistic, polyphonic aspects of postmodern biographical novel, moreover, for studying the genre development stages and for evaluating the harmony of different religious beliefs, the technique of embedding cultural codes into the text scientifically.

In our country, in the era of global reforms, attention to literature, which is considered the basis of the spirituality and enhancement of society, is being raised to the level of state policy, and it is becoming crucial to deeply understand the examples of world literature in the Uzbek national context, interpret their essence through a pluralistic worldview, and raise our cultural awareness. “At the same time, in the field of culture, fighting against ignorance with enlightenment, teaching our youth to understand true art, forming their aesthetic world on a healthy basis...”<sup>1</sup> – the priority goal in modern literary studies – opens the way to deeper understanding of biographical works dedicated to the lives of the historical figures, idiosyncrasy of the genre, poetics, factors that caused the popularity of the biofiction in the context of world literature from the point of view of the human factor, to cognize the Eastern and Western worlds within the framework of science.

The present scientific study serves to a certain degree to achieve the objectives set out in the following legal documents: the Decree of the President PF-4449 “The Strategy of Actions for Further development of the Republic of Uzbekistan” from February 7, 2017; the Decree of the President PF-5847 “On

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

Approval of the Concept of Development of the Higher Education System of the Republic of Uzbekistan until 2030” from August 8, 2019; the Resolution of the President PQ-3271 “On the program of comprehensive measures to develop the system of publication and distribution of book products, increase and promote book reading and reading culture” from September 13, 2017; the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 376 “On measures to improve the system of translation and publication of the best examples of world literature into Uzbek and masterpieces of Uzbek literature into foreign languages” from May 18, 2018 and other related documents.

**Relevant research priority areas of science and developing technology of the Republic.** The dissertation work was carried out in the line with the priority directions of Science and Technology Development of the Republic I. “Developing the Democratic and Legal Society Spiritual-Morally and Culturally, Forming Innovational Economics”.

**A review of foreign research on the topic of dissertation<sup>2</sup>.** Significant scientific results have been obtained through the theoretical and practical research in American literature, postmodernism and the characteristic features of the biographical novel and the problem of poetics in the world’s leading research centers and higher education institutions, including: rise and development of the American biographical novel, fictional truth in the biographical novel, surrealism in the biographical novel, depiction of historical reality, dual-temporal truth in the biographical novel (Minnesota University Morris, Minnesota, USA), poetics of postmodernism, postmodern historicity, metafiction, intertextuality, reflection of parody (University of Toronto, Canada), the problem of fact and fiction in postmodern biographical novel (Sofia University, Bulgaria), subjectivity and intertextuality in biographical novel (Leeds University, England), pastiche and parody in biographical novel (University of Belgrade, Serbia), the types of biographical novel: biofiction, historical metafiction, biographical metafiction (King’s College London, England), modern trends in poetics and stylistics (Utrecht University, Netherlands), the phenomenon of adaptation in the post-colonial historical-biographical novels and its reflection in the work of L.Lalami (University of Jordan, Jordan), the personage’s language in the work of L.Lalami (University of Lodz, Poland) postmodernism in the works of M. Cunningham (Olivet Nazarene University, Chicago), the peculiarities of the biographical novel in American and Uzbek literature (Bukhara State University, Uzbekistan) have been solved.

In the world literature, researches on the integrated systematic study of the American postmodern literature are being conducted in the following priority areas: the ideas of eclecticism and cosmopolitanism in literature, eccentricism and symbolism in postmodern literature, metafiction and its manifestations,

---

<sup>2</sup> The review is done in accordance with the information on the following websites: <https://morris.umn.edu/>, <https://www.utoronto.ca/>, <https://www.uni-sofia.bg/>, <https://www.leeds.ac.uk/>, <https://www.bg.ac.rs/en/>, <https://www.kcl.ac.uk/>, <https://www.uu.nl/en>, <http://ju.edu.jo/home.aspx>, <https://iso.uni.lodz.pl/>, <https://www.olivet.edu/>

polyphonism and the techniques of its creation, intertextual stylistic devices and the poetics of the biographical novel.

**Problem development status.** There are a number of studies<sup>3</sup> in world literature on modern trends: modernism and postmodernism that have emerged in contemporary American literature. In these works, the writers of the new era, their unique style, the themes of post-colonialism and pluralism, ideas of human freedom, equality are highlighted.

The development of the literary biography, its emergence, its peculiarities have also been studied scientifically<sup>4</sup>. Such issues as the genesis of the biographical novel, its characteristics, the canons of its creation, the conditions of blending history and fiction form the foundation of the theoretical views connected with this sphere.

In foreign literature, the works of such scientists and writers as L.Hutcheon, M.Danova, B.Layne, M.Knezevich, M.Saunders, M.Lackey express various theoretical views on the features of postmodern biographical works. In the works<sup>5</sup> of these scholars the analysis of such issues as the genesis, history, evolution of biographical novels, their formation as a literary genre; transtextual relationships as metafiction, intertextuality, parody; the synthesis of historical truth and fiction; the contemporary attitudes and worldview in postcolonial biographical novels are given.

---

